2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 214 (1813), 2026 йил 16 октябрь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

БОКУ САММИТИ: ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ИШОНЧ МУНОСАБАТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИГА АЙЛАНИШИ ШАРТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 14-15 октябрь кунлари амалий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари 15 октябрь куни Боку шаҳрида Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг еттинчи саммитида қатнашди.

Саммитда Исроил Давлати Президенти Ицхак Герцог, Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти Тхонглун Сисулит, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад бин Халифа Ол Соний, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Бангладеш, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирликлари, Вьетнам, Камбоджа, Россия, Туркия, Фаластин, Хитой, Шри-Ланка ва Ҳиндистон ҳукуматлари ҳамда ташқи сиёсат идоралари раҳбарлари, шунингдек, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг юқори мартабали вакиллари иштирок этди.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш (ОҲИЧК) 1992 йилда ташкил этилган, ҳозирги кунда 28 та аъзо давлат, кузатувчи мақомидаги 9 та мамлакат ва 5 та халқаро ташкилотни бирлаштирган халқаро платформа ҳисобланади.

Кун тартибига мувофиқ, халқаро вазият ва ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди ҳамда бир қатор ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Боку саммитидаги нутқида дунёдаги чуқур геосиёсий ўзгаришлар янада яқин ҳамкорлик ва биргаликда қарорлар қабул қилишни талаб этаётгани ҳақида сўз юритди.

— Айниқса, Осиёнинг турли ҳудудларидаги қуролли низолар барчамизни чуқур хавотирга солмоқда. Уларнинг оқибатлари можаро ҳудудидан ташқарига чиқиб, сиз билан биз яшаётган минтақа хавфсизлигига жиддий путур етказмоқда, глобал иқтисодиётга зарар келтириб, миллионлаб инсонларнинг ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар фақат тинч йўл билан, сиёсий-дипломатик воситалар орқали, халқаро ҳуқуқ ва барча томонлар манфаатларини инобатга олган ҳолда ҳал этилиши зарурлигини таъкидлади.

Ўзаро уйғун ва олдиндан тахмин қилиш мумкин бўлган ҳаракатларга, олинган барча мажбуриятларни бажаришга асосланган муносабатларнинг барқарор тизимини яратишда ОҲИЧК алоҳида ўрин тутиши қайд этилди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон етакчиси томонидан Осиёда ишонч инфратузилмасини шакллантириш концепциясини ишлаб чиқиш, унда давлатлар ўртасида ўзаро боғлиқлик ва ҳамкорликни кенгайтиришнинг асосий йўналишлари ҳамда аниқ чора-тадбирларини белгилаш таклиф қилинди.

— Транспорт ва энергетика бўйича қўшма лойиҳалар, савдо ва рақамли алоқаларни ривожлантириш, маданий-гуманитар алмашувлар катта аҳамиятга эга, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз сўзининг давомида ҳозирги шиддатли технологик тараққиёт ва иқлим ўзгаришлари ҳам янги вазифаларни кун тартибига қўяётганини таъкидлади.

— Сунъий интеллект кундалик ҳаётимизни тез ўзгартирмоқда. У чексиз имкониятлар яратиш билан бирга жиддий хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Эндиликда биз рақамли тараққиёт барчага бирдек фойда келтириши, технологик ривожланишдаги фарқ қисқариши учун бор имкониятларни сафарбар этишимиз зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу мақсадда Технологик ишонч ва сунъий интеллектдан масъулият билан фойдаланиш бўйича Осиё ташаббуси илгари сурилди. Уни амалга ошириш доирасида ОҲИЧК ҳузурида экспертлар майдонини ташкил этиш таклифи ҳам билдирилди. Унда мутахассислар умумий тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалий чораларни келишиб олиш имконига эга бўладилар.

Шу билан бирга, ОҲИЧКга аъзо давлатларнинг иқлим ўзгаришларига мослашиш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида Иқлим барқарорлиги бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш таклиф этилди.

Ўзбекистон ОҲИЧКнинг Инсон мезони бўйича координатори эканини инобатга олиб, келгуси йили мамлакатимиз Инсон салоҳиятини ривожлантириш бўйича форумни ўтказишга тайёрлиги, бу борада Кенгашнинг 2028 йилга қадар бўлган даврга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Қўшилмаслик ҳаракатига раисликни қабул қилиши муносабати билан давлатимиз раҳбари барчани ташкилотнинг келгуси йили Тошкент шаҳрида ўтказиладиган йигирманчи саммитига таклиф қилди.

Мамлакатимиз етакчиси сўзининг якунида ОҲИЧКнинг ташкилий асосларини янада мустаҳкамлаш ва унинг низомини такомиллаштириш борасидаги ишларни ҳамда Кенгашнинг бош котиби лавозимига Озарбайжон томонидан илгари сурилган номзодни қўллаб-қувватлашини билдириб, Озарбайжоннинг Кенгашга раисликни 2028 йилгача давом эттириш ниятини олқишлади.

Саммитда давлатлар етакчилари, мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар делегациялари раҳбарлари ҳам сўзга чиқди.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар Давлати Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний билан учрашув ўтказди.

Суҳбат аввалида икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик муносабатлари ва кўп қиррали амалий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Сўнгги йилларда олий даражадаги самарали мулоқотлар туфайли ўзаро алоқалар янги сифат босқичига кўтарилгани таъкидланди. Бугунги кунда Қатар компаниялари билан энергетика, кимё саноати, озиқ-овқат хавфсизлиги, транспорт, қурилиш каби соҳаларда фаол ишлар олиб борилмоқда, жорий йил бошидан буён инвестициялар ўзлаштирилиши сезиларли даражада ошди.

Шунингдек, жадал ривожланиб бораётган маданий-гуманитар алоқалар халқларимизни янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари ҳам белгилаб олинди. Хусусан, декабрь ойида ўтадиган Доҳа форумида Ўзбекистондан нуфузли делегация иштирок этиши, тадбир доирасида Ҳукуматлараро қўшма комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишларини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Етакчилар халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁДА ҲАМКОРЛИК ВА ИШОНЧ ЧОРАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШНИНГ ЕТТИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли Илҳом Гейдарович!

Ҳурматли давлатлар ва делегациялар раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Бетакрор Озарбайжон заминига яна бир бор ташриф буюриш ҳамда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг еттинчи саммити иштирокчиларини қутлаш шарафига муяссар бўлганимдан беҳад мамнунман.

Аввалambор, Озарбайжон Республикаси Президенти, ҳурматли Илҳом Гейдарович Алиевга самимий қабул ҳамда саммитни юксак даражада ташкил этгани учун миннатдорлик билдираман.

Ҳозирги мураккаб даврда Сизнинг муваффақиятли етакчилигингизда Озарбайжон жадал ривожланмоқда, унинг жаҳондаги обрў-эътибори ва нуфузи ошмоқда, қардош халқингизнинг фаровонлиги изчил ўсмоқда. Бу бизда мамлакат раҳбариятига нисбатан юксак ҳурмат туйғуларини кучайтирмоқда.

Шунингдек, биз Озарбайжоннинг ушбу Кенгашдаги самарали раислигини юқори баҳолаймиз. Бу даврда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш доирасида ўзаро мулоқотимиз янада мазмунли тус олиб, амалий натижаларга бой бўлди.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Ҳаммамиз гувоҳмиз, бугунги кунда дунё чуқур геосиёсий ўзгаришларни бошидан кечирмоқда.

Янги таҳдид ва хатарлар пайдо бўлмоқда. Бу вазият биздан янада яқин ҳамкорлик ва биргаликда қарорлар қабул қилишни талаб этади.

Айниқса, Осиёнинг турли ҳудудларидаги қуролли низолар барчамизни чуқур хавотирга солмоқда. Уларнинг оқибатлари можаро ҳудудидан ташқарига чиқиб кетмоқда, сиз билан биз яшаётган минтақа хавфсизлигига жиддий путур етказмоқда, глобал иқтисодиётга зарар келтирмоқда ва миллионлаб инсонлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бизнинг бу борадаги позициямиз аниқ ва қатъий: ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар фақат тинч йўл билан, сиёсий-дипломатик воситалар орқали, халқаро ҳуқуқ ва барча томонлар манфаатларини инобатга олган ҳолда ҳал этилиши зарур.

Қитъамизда низоларнинг янада кескинлашувига йўл қўймаслик ғоят муҳим. Биз Яқин Шарқдаги қарама-қаршилик ва Ғазодаги гуманитар вазиятни катта ташвиш билан кузатиб боряпмиз. Ушбу минтақада тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши тарафдоримиз.

Мулоқот сусайган жойда нотўғри қарорлар қабул қилиш хавфи ортади. Шу боис, биз сиёсий келишмовчиликлар қуролли тўқнашувларга айланиб кетмаслиги учун барча имкониятларни ишга солишимиз зарур. Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг ўрни ва таъсир кучини айнан шунда кўрамиз. Кенгашнинг асосий мақсади Осиёда ўзаро ҳамкорликнинг яхлит инфратузилмасини шакллантириш бўлиши керак.

Бу ўринда гап ўзаро уйғун ва олдиндан тахмин қилиш мумкин бўлган ҳаракатлар, зиммамизга олган мажбуриятларни бажариш асосидаги муносабатларнинг барқарор тизимини яратиш ҳақида бормоқда. Бу низоларнинг олдини олиш ва ўзаро мақбул қарорларни топиш имконини беради.

Шу муносабат билан биз Осиёда ишонч инфратузилмасини шакллантириш концепциясини ишлаб чиқишни таклиф этамиз. Ушбу ҳужжатда Кенгашни узоқ муддатли ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, давлатлар ўртасида ўзаро боғлиқликни ва ҳамкорликни кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилиши лозим. Хусусан, транспорт ва энергетика бўйича қўшма лойиҳалар, савдо ва рақамли алоқаларни ривожлантириш, маданий-гуманитар алмашувлар катта аҳамиятга эга.

Сиёсий вазият қандай бўлишидан қатъи назар, давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч муносабатларимизнинг доимий ва мустаҳкам пойдеворига айланиши шарт.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Ҳозирги шиддатли технологик тараққиёт ва иқлим ўзгаришлари барчамизнинг олдимизга янги вазифаларни қўймоқда.

Маълумки, сунъий интеллект кундалик ҳаётимизни тез ўзгартирмоқда. У чексиз имкониятлар яратиш билан бирга жиддий хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Эндиликда биз рақамли тараққиёт барчага бирдек фойда келтириши, технологик ривожланишдаги фарқ қисқариши учун бор имкониятларни сафарбар этишимиз зарур. Шу мақсадда Технологик ишонч ва сунъий интеллектдан масъулият билан фойдаланиш бўйича Осиё ташаббусини илгари сурамиз. Бунинг учун Кенгаш доирасида Экспертлар майдонини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Унда мамлакатларимиз мутахассислари умумий тавсияларни ишлаб чиқиши ва амалий чораларни келишиб олиши мумкин бўлади.

Шу билан бирга, Кенгаш иқлим ўзгаришларига мослашиш учун давлатларнинг куч ва имкониятларини бирлаштира олади деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун Иқлим барқарорлиги соҳасида шериклик қилиш бўйича ташаббусни таклиф этамиз. Бу сувни тежайдиган технологияларни биргаликда жорий этиш, “яшил” энергетикани ривожлантириш ва атроф-муҳит ҳолатини доимий кузатиб бориш имконини беради. Шу тариқа эҳтимолий хавф-хатарларни камайтиришимиз ва келажак авлодлар учун табиий ресурсларни сақлаб қолишимиз мумкин.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон Кенгашнинг Инсон мезони бўйича координатори сифатида таълим, маданият ва гуманитар соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда.

Биз келгуси йили Инсон салоҳиятини ривожлантириш бўйича форумни ўтказишга тайёрмиз. Мазкур анжуманда ёшлар ва хотин-қизлар учун янги имкониятлар яратиш, сифатли таълимдан фойдаланиш, рақамли трансформация шароитида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалаларни алоҳида кўриб чиқиш режалаштирилмоқда.

Ушбу соҳадаги қўшма ҳамкорлигимиз янада изчил бўлиши учун Кенгашнинг яқин икки йилга мўлжалланган Ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Келгуси йили Ўзбекистон Қўшилмаслик ҳаракатининг йигирманчи саммитига мезбон бўлади ва мамлакатимиз 2030 йилга қадар ушбу ташкилотга раислик қилади.

Қўшилмаслик ҳаракати ҳамда Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг мақсад ва тамойиллари кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаш ва яқиндир.

Тошкент саммити халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва низоларнинг олдини олиш тизимини шакллантиришда муҳим воқеа бўлишига умид қиламиз. Барчангизни ушбу форумда иштирок этишга таклиф қиламан.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Сўзимнинг якунида шуни алоҳида таъкидламоқчиман: Ўзбекистон Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича Кенгашнинг ташкилий асосларини янада мустаҳкамлаш ва унинг низомини такомиллаштириш борасидаги ишларни қўллаб-қувватлайди. Бу ерда илгари сурилаётган ташаббуслар ўз амалий ижросини топиши муҳимдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Лаоснинг Кенгашга аъзо давлат мақомини олгани муносабати билан ҳурматли Президент Тхонглун Сисулит Жаноби Олийларини табриклайман.

Кенгашнинг Бош котиби лавозимига Озарбайжон вакили номзодини қўллаб-қувватлаймиз. Озарбайжон томонининг Кенгашга раисликни 2028 йилгача давом эттириш ниятини олқишлаймиз. Ушбу масъулиятли миссияни бажаришда улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Бугунги Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларини Президентларимиз ўртасида шаклланган юқори даражадаги сиёсий мулоқотсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Икки давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувлари, ўзаро ташрифлари ва телефон мулоқотлари Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги сиёсий алоқаларни доимий ва барқарор жараёнга айлантирди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 16 октябрь, 214-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

БОКУ САММИТИ: ДАВЛАТЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО ИШОНЧ МУНОСАБАТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИГА АЙЛАНИШИ ШАРТ

Бошланиши 1-бетда

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Лаос Халқ Демократик Республикаси Президенти Тхонглун Сисулит билан учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Лаос муносабатларини янги босқичга олиб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш, транспорт, логистика, фармацевтика, тиббиёт, туризм ва бошқа соҳаларда қўшма лойиҳаларни илгари суриш устувор йўналишлар сифатида қайд этилди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтириш ҳамда таълим ва маданият соҳаларидаги алмашинувларни фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Етакчилар минтақавий ва халқаро кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Камбоджа Қироллиги Бош вазири Хун Манетни қабул қилди.

Икки мамлакат ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Тизимли сиёсий мулоқотни йўлга қўйиш, парламентлараро, маданий-гуманитар ва сайёҳлик йўналишларидаги алмашинувларни фаоллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш бўйича амалий чоралар кўриш, жумладан, мамлакатларнинг саноат салоҳиятини намойиш этиш учун кўргазмалар ўтказиш ва ишбилармонлик делегацияларининг ташрифларини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар бу борада савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги асосий келишувларни ишлаб чиқишни жадаллаштиришга келишиб олдилар.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, хусусан, БМТ, ШҲТ, ASEAN, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқа тузилмалар доирасидаги яқин ҳамкорликни давом эттириш юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Вьетнам Социалистик Республикаси вице-президенти Во Тхи Ань Суан билан учрашди.

Икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Вьетнам делегацияси раҳбари Ўзбекистон етакчисига Вьетнам Коммунистик партияси Марказий қўмитаси Бош котиби, мамлакат Президенти То Ламнинг самимий саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Томонлар Ўзбекистон — Вьетнам муносабатлари жадал ривожланиб бораётганидан мамнунлигини таъкидладилар. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ортиб бормоқда, турли даражаларда мунтазам алоқалар йўлга қўйилган.

Нефть-кимё, электротехника ва тўқимачилик саноати, қишлоқ хўжалиги соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжон Республикасига амалий ташрифи якунланди.

ЎзА

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБАЙЖОН: ЯГОНА ТАРИХДАН МУШТАРАК МАҚСАДЛАР САРИ



Айтен ҚУРБОНОВА, Озарбайжон Миллий фанлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти катта илмий ходими, турколог олим

Ўзбек ва озар халқлари дўстлиги, давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари кеча ёки бугун пайдо бўлиб қолмаган, тарихий илдизлари жуда чуқур. Умумий маданий хотира, адабиёт, илм-фан, маърифатпарварлик ва XX асрнинг мураккаб ижтимоий жараёнларига назар ташласак, икки халқнинг доим дўстона муносабатда бўлганини кўрамиз. Зеро, бу икки қардош халқ илдизлари инсоният тарихининг энг қадимги даврларига бориб тақаладиган, "Туркий дунё" деб аталувчи улкан дарахтнинг икки шохидир.

Минг йилликлар силсиласида намоён бўладиган бир хил урф-одатлар, муштарак маданият ва умумий миллий қадриятлар халқларимиз ўртасидаги алоқалар нечоғлик қадимий ва яқин эканини исботлайди. Ушбу жараённинг энг юқори ривожланиш босқичи Илҳом Алиев ва Шавкат Мирзиёев раҳбарлиги даврига тўғри келади.

Яқин йилларда Ўзбекистон — Озарбайжон алоқалари сезиларли жадаллашди, шу йил август ойида эса Тошкент шаҳрида икки давлат раҳбарлари томонидан Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланиши ушбу ривожланиш жараёнининг тарихий чўққиларидан бири бўлди. Мазкур ҳужжат нафақат икки Президентнинг сиёсий иродасини, балки Ўзбекистон ва Озарбайжоннинг келажакка биргаликда интилиш борасидаги қатъий қарорини ҳам ифодалайди.

Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг шу йил 14-15 октябрь кунлари Боку шаҳрида бўлиб ўтган еттинчи саммитида иштирок этиш мақсадида Шавкат Мирзиёев амалий ташриф билан Озарбайжонга борди. Ташриф доирасида Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев билан учрашув ўтказди.

Учрашувда Илҳом Алиев август ойида Ўзбекистонга ташрифини мамнуният билан ёдга олди. Икки давлат раҳбари ташрифда эришилган келишувларнинг тез ва сифатли амалиётга татбиқ этилаётганини қайд этди. Стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Икки давлатнинг ягона мақсади ва ўзаро ҳамкорликда тараққий этиши халқаро саммит ва учрашувларда ҳам бир сафда туришидан намоён бўлмоқда. Кўплаб масалаларда бир-бирларининг таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда.

Туркий давлатлар ташкилоти, Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви каби платформаларда ўзаро ҳамкорликда ишланмоқда. Шу ўринда алоҳида қайд этиш зарурки, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашувига Озарбайжонни қўшиш ташаббусини айнан Ўзбекистон Президенти илгари сурганди.

Бугунги Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларини Президентларимиз ўртасида шаклланган юқори даражадаги сиёсий мулоқотсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Икки давлат раҳбарларининг мунтазам учрашувлари, ўзаро ташрифлари ва телефон мулоқотлари Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги сиёсий алоқаларни доимий ва барқарор жараёнга айлантирди.

Давлатларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва биродарлик, аввало, икки давлат раҳбарининг шахсий дўстона муносабатларида мужассам. Президентларимизнинг учрашувларда бир-бирига "азиз биродарим" деб мурожаат қилиши шунчаки дипломатик одоб ифодаси эмас, балки икки халқ ўртасидаги тарихий ва маънавий яқинликнинг сиёсий даражадаги аксидир.

Айнан мана шу ўзаро ишонч туфайли сўнгги йилларда Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари янги босқичга кўтарилиб, стратегик шерикликдан иттифоқчилик даражасига етди.

Статистик маълумотларга кўра, йил бошидан буён икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 30 фоиз ошган. Бу давлатларимиз ўртасида турли йўналишлар, масалан, геология, энергетика, қурилиш, транспорт-логистика, енгил саноат, туризм, илм-фан, таълим каби соҳалардаги ҳамкорлик йил сайин кенгайиб бораётгани маҳсулидир. Тарихий ривожланиш даври бир-бирига қоришиб кетган икки мамлакатнинг келажагини ҳам бир-биридан айро тасаввур этиб бўлмайди.

Президентларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот яратган янги муҳит Боку ва Тошкент орасидаги масофани ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий жиҳатдан анча қисқартирди. Бугун тошкентлик ишбилармонлар Бокуда, озарбайжонликлар эса Тошкентда кўплаб инвестицион лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Сўнгги йилларда давлатлараро ташрифлар фаоллашуви, иқтисодий лойиҳалар кенгайиши, таълим ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик чуқурлашуви, Ўзбекистоннинг Қорабоғни тиклаш жараёнидаги фаол иштироки икки томонлама муносабатлар мазмунини тубдан ўзгартирди. Агар бир вақтлар Низомий ва Навоий ўртасидаги маънавий кўприкни китоблар барпо этган бўлса, бугунги кунда ушбу кўприкдан талабалар, олимлар, тадбиркорлар, сайёҳлар, янги лойиҳа ва инвестициялар ўтмоқда.

Агар XX аср бошларида заминларимиз ўртасида газеталар ҳамда китоблар ғоялар ташувчиси бўлган бўлса, XXI асрда умумий иқтисодий, сиёсий, илмий ва маданий ташаббуслар ҳаракат қилмоқда. Агар қатағон йилларида халқларимизнинг буюк зиёлилари умумий фожиани бошдан кечирган бўлса, бугунги кунда уларнинг ворислари умумий келажакни қуриш имкониятларини муҳокама қилмоқда ва амалга оширмоқда.

Биргина мисол, ўтган йили Ўзбекистон ва Озарбайжон Президентлари Боку шаҳрида "Ўзбекистон" боғига пойдевор қўйди. Боғда Ўзбекистон, жумладан, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Қўқон шаҳарларининг бой тарихи, меъморлиги ва маданиятини акс эттирувчи ноёб муҳит яратилиши режалаштирилган. "Оқ шаҳар"да қурилаётган маскан давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги қардошлик ва дўстлик рамзидир.

Янги Тошкентда эса "Озарбайжон" боғини барпо этиш ишлари жадал суръатда бормоқда. Бу ерда Озарбайжоннинг бой маданияти, кўп асрлик тарихи ва миллий анъаналарини акс эттирадиган замонавий жамоат макони ташкил этилади. Албатта, давлатларимизнинг марказий шаҳарларида барпо этилаётган боғлар икки қардош халқнинг маданий яқинлиги ва дўстлигини намоён этиб, кўнгилларни бирлаштиради.

Бир сўз билан айтганда, икки халқ бирлашиб, ҳамкорликда мамлакатларимиз тараққиёти учун илғор қадамлар ташламоқда. Шундай экан, Ўзбекистон ва Озарбайжон ёшлари кўприк вазифасини бажариб, шонли умумий ўтмишимизни улуғвор муштарак келажагимиз билан боғлайди.

Дилдаги гаплар

КАТТА ЖАСОРАТ ВА ИШОНЧ ТИМСОЛИ



Орзиқул СОАТОВ, "Нуроний" жамғармаси Сурхондарё вилояти бўлими раиси

Бундан чамаси олти ойлар илгари пойтахтимизга меҳмон бўлиб боргандим. Ўшанда катта магистрал ёқалаб юрар эканмиз, олисдан тоғларга туташиб кетгандай кўринадиган муҳташам биноларга кўзим тушди.

Тўғриси, бутун мамлакат ҳозир катта бунёдкорлик майдонига айланган. Бундай кенгликларда бирдан катта шаҳарлар пайдо бўлиши кишини ажаблантирмай қўйди. Илгари 3-4 қаватдан юқори бино қурилмаган, умримнинг 85 йили ўтган Термиз шаҳрида ҳам бугун 16-18 қаватли бинолар қад ростлаши одатий ҳол бўлиб қолди. Инфратузилма ривожланган давлатлардагидан қолишмайди. Шу сабаб ҳам ҳайратланишим қийин. Кўз ўрганиб қолар, одам кечаги кунни тез унутар экан-да!

— Янги Тошкент бунёд этиляпти! — дейди ҳамроҳим ҳалиги биноларга қараб.

Халқимизда "Яхши нарсани кўрмоқ — кўз қувончи, яхши сўзни эшитмоқ — дил қувончи" деган нақл бор. Қизиқишим ортиб, машинани шу томон йўналтирдим. Дарвоқе, яна бир гап: ёшим саксондан ошиб кетган бўлса-да, машина ҳайдаб, Сурхондарёдан Тошкентга 750 километр йўл босиб кела оламан. Йўлларнинг равонлиги, тартиблилиги бир сабаб бўлса, юртдаги катта ўзгаришларни кузатиб, томоша қилиб, ҳар бир ҳудудда ўзим сингари кексаларнинг гурунгини олиб, завқланиб йўл юришга нима етсин!

Янги Тошкент мени чиндан ҳайратлантирди. Биноларнинг баландлигини кузатиб, бошимдаги дўппимни тутиб юрдим. Шароитларини кўриб, ғоят севиндим. Кўп давлатларда бўлганман, лекин бундай лойиҳа асосидаги манзилни кўрмаганман. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг турли ҳудудида бўлган инсон сифатида тушунганим ва англаганим шуки, чиндан ҳам Янги Тошкент мамлакатимиз тарихидаги энг йирик шаҳарсозлик лойиҳаси бўлибди.

Давлатимиз раҳбари куни кеча Янги Тошкентда бунёд этилган иншоотларни ишга тушириш ва янги лойиҳаларнинг қурилишига старт бериш маросимида иштирок этди. Ушбу тадбирда видеоконференцалоқа тизими орқали Сурхондарёдан туриб қатнашдим. Тошкентдаги Чирчиқ ва Қорасув дарёлари оралиғидаги бу ҳудуд чинакам улкан бунёдкорлик майдонига айланганини кўриб завқландим. Бу ерда нафақат турар жойлар, балки университетлар, кутубхона ва амфитеатр қурилаётган экан. Шаҳарда 2000 гектар яшил майдон ва 500 гектарли истироҳат боғи ташкил этилишини эшитиб, бу шаҳар яшил ва ҳавоси мусаффо масканга айланишини англадим.

Пойтахтнинг ҳар бир туманига ва республиканинг қолган 13 та ҳудудига Янги Тошкентдан 100 гектардан майдон бириктирилади. Энди бу шаҳарда биз — сурхондарёликлар сингари барча ўзбекистонликларнинг улуши, уни бунёд этишга қўшадиган ҳиссаси бор. Бу — чексиз фахр. Ахир катта тарихни эллар бирлашиб бунёд этганига мисоллар бисёр!

Қурилиш ишларининг тезлашиши халқимиз учун фаровонлик белгиси. Чунки шунча майдондаги қурилишда ўзимизнинг фарзандларимиз — меҳнаткаш, ишининг устаси бўлган қурувчиларимиз ишлайди. Бу қўшимча иш ўрни, оилаларга ватандан олисламай даромад топиш имкони дегани. Демак, вилоятлар нафақат иқтисодий ва ташкилий, балки ишчи кучи жиҳатдан ҳам Янги Тошкентни бунёд этишда фаол иштирок этади.

Сурхондарёда кекса авлод вакилларининг бой ҳаётий тажрибасидан фойдаланган ҳолда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бош бўлиб келяпман. Давра суҳбатларида, йиғилишларда бот-бот қуйидаги гапни такрорлайман: "Ҳақ гап: ҳозир бутун дунё ҳар томонлама таҳликали бўлган пайтда бундай йирик лойиҳани бошлаш, уддалаш ва инсон қадрини улуғлаб, халққа топшириш учун катта жасорат, эртанги кунга улуғ ишонч керак".

ЯНГИ ТОШКЕНТИМИЗДА ДУВ-ДУВ ГАП

Янги Тошкент қурилиши, шубҳасиз, мамлакатимиз бунёдкорлик салоҳияти ва имкониятларини ўзида акс эттираётган улкан лойиҳадир. Лекин унинг ҳақиқий маҳобатини чиройли бинолар қурилиши эмас, одамлар ҳаёти қанчалик яхшиланиши билан ўлчашимиз керак. Шу маънода, қуриб битказилган ва истиқболда барпо этилиши режалаштирилаётган кенг кўчалар, яшил ҳудудлар, таълим муассасалари, маданий-маърифий объектлар, шифохоналар, маъмурий бинолар фақат халқимиз турмуш тарзини, яшаш шароитини юксалтиришга хизмат қилиши аниқ.

Мазкур лойиҳа Президентимизнинг доимий эътибори ва назоратида амалга оширилаётир. 12 октябрь куни ҳам давлатимиз раҳбари Янги Тошкентга ташриф буюриб, бу ерда бунёд этилган иншоотларни ишга тушириш ва янги лойиҳалар қурилишига старт бериш маросимида иштирок этди. Шунингдек, ҳудудда йирик лойиҳаларни рўёбга чиқараётган инвестор ва тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди.

"Янги Тошкент фақат янги уй-жой қуриладиган ҳудуд эмас!". Президентимизнинг шу гапи мени бағоят хурсанд қилди. Бу гапни қандай изоҳлаш мумкин? Аввало, Янги Тошкент замонавий бизнес, таълим, тиббиёт, маданият ва маърифат, туризм ва хизмат кўрсатишни ўзида жамлаган марказ бўлади. Ҳудуддан, шунингдек, Миллий театр, Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг янги биноси, Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Адабиёт музейи ва Миллий мақом маркази каби маданий-маърифий мажмуалар жой олади.

Ўзим мазкур ҳудуддан унча узоқ бўлмаган Яшнобод туманида истиқомат қиламан. Давлатимиз раҳбари ташрифидан сўнг бу ерга бир гуруҳ фаоллар билан келиб, бунёдкорлик ишлари билан танишишга қарор қилдик. Кайфиятимни биргина сўз билан ифодалашим мумкин: кўрганларимдан ҳайратдаман. Бундай манзарага дуч келишимни тасаввур ҳам қилмаган эдим. Кўламни кўриб, ушбу бунёдкорликлар 10-12 йил эмас, 3 йилгина аввал бошланганига ишонгинг келмайди. Чунки асрларга тенг иш бўлган.

Устозларимиз бир вақтлар "Маҳаллада дув-дув гап" деган фильм суратга олишган. Унинг бошланишида чиройли дилрабо мусиқа ҳамроҳлигида маҳалла ҳудудидаги катта қурилиш майдони кўрсатилар эди. Ҳозир ҳайратимни "Янги Тошкентимизда дув-дув гап" дея изоҳлаган бўлардим.

Қуриб битказилган Миллий кутубхонани кўрдик, "Янги Ўзбекистон" университети биноси билан танишдик. Соҳил бўйи боғлари, осмонўпар бинолар — буларнинг бари жуда катта меҳнат ва изланишлар самараси экани кўриниб турибди.

Айни пайтда ижодий жамоамиз билан Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни



Иброҳим РАСУЛОВ, кинорежиссёр

юксалтириш йили ҳамда Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллигига бағишланган "Пойдевор" миллий сериалини суратга оляпмиз. Янги Тошкентдаги ишлар кўламини, шиддатини, бунёдкорлар юзидаги шижоатни кўриб мотивация, янги қувват олдим. Сериалнинг қолган қисмларини шу ерда суратга олиш ҳақида ўйлаб қолдим. Ҳозирданоқ хаёлимда сценарий воқеаларини тасаввур қиляпман.

Бу ерга келган одам юрти, Ватани, халқимизнинг ютуғидан боши осмонга етади. Агар оиламизни, фарзандларимизни бу ерга олиб келсак, амалга оширилаётган ишларни ўз кўзи билан кўрса, бутун дунё ҳавас қилиши мумкин бўлган бунёдкорликдан улар ҳам фахр туйса қандай яхши. Ахир Янги Тошкент — ўзимизники!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий дастурларда белгиланган устувор вазифаларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда қабул қилинган ҳужжатлар ижросини аниқ мезонлар асосида назорат қилиш бугунги қонун ижодкорлигининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

ДАВР НАФАСИ | 3

2026 йил 16 октябрь, 214-сон

Янги Ўзбекистон руҳи

МИЛЛИЙ ДАСТУРЛАРНИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАҚАТ ЯНГИ ҚОНУНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ЭМАС, БАЛКИ ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАРНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ ҲАМ ТАҚОЗО ЭТАДИ.



ЕТТИ МИЛЛИЙ ДАСТУР – ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ БУЮК ДОВОНИГА ЙЎЛ



Мавлуда ХЎЖАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Президентимизнинг мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичини белгилаб берган муҳим сиёсий-маърифий воқеа бўлди. Унда келгуси ўн йиллик янги Ўзбекистон учун миллий юксалиш даври сифатида эътироф этилиб, инсон қадрини улуғлаш, халқ фаровонлигини ошириш ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган устувор вазифалар белгилаб берилди.

Айниқса, илгари сурилган еттита миллий дастур мамлакат ҳаётининг энг муҳим йўналишларини қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Уларда инсон салоҳиятини ривожлантириш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини такомиллаштириш, иқтисодий имкониятларни кенгайтириш, экологик барқарорликни таъминлаш, қонун устуворлиги ва самарали давлат бошқарувини шакллантириш каби устувор вазифалар ўз ифодасини топди.

Инсон капитали — асосий ҳаракатлантирувчи куч

Мамлакат тараққиётининг энг муҳим омили инсон салоҳиятидир. Чунки ҳар қандай ислоҳот ва янгиланишнинг натижаси, аввало, билимли, соғлом ва фаол фуқароларга боғлиқ.

Шу боис, биринчи миллий дастурда инсон капиталини ривожлантириш, билим ва малакани мамлакат тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Унда таълим соҳасини янада ривожлантириш, ёшларга сифатли билим бериш ва замонавий касбларни эгаллаши учун зарур шароитлар яратишга қаратилган мақсадлар ўрин олган. Жумладан, олти ёшли болаларни мактабга тайёрлов гуруҳлари билан тўлиқ қамраб олиш, техникумларда таълим олувчилар қамровини ошириш, миллий университетлар нуфузини юксалтириш каби муҳим вазифалар акс этган.

Бугунги кунда таълим, меҳнат ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш учун зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Эндиликда асосий вазифа ушбу соҳалар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ва таълим тизимини меҳнат бозори талаблари билан уйғунлаштиришдан иборат. Зеро, ҳозир иш берувчилар нафақат диплом, балки амалий кўникмага, замонавий билим ва ўзгарувчан шароитларга мослаша оладиган мутахассисларга эҳтиёж сезмоқда.

Шунинг учун касб стандартларини ишлаб чиқишда иш берувчилар иштирокини кенгайтириш жуда муҳим. Чунки қайси соҳаларга қандай мутахассислар кераклигини амалиёт ва ишлаб чиқариш вакиллари яхши билади. Шу нуқтаи назардан, ёшларни касбга тайёрлаш, уларга амалиёт ўташ имкониятини яратиш ва келгусида иш билан таъминлаш жараёнларида корхоналар иштирокини рағбатлантириш лозим бўлади.

Бу борада депутатлар зиммасига ҳам муҳим вазифалар юкланади. Энг аввало, таълим соҳасига ажратилаётган маблағдан қанчалик самарали фойдаланилаётгани, улар қандай натижа бераётганини доимий ўрганиб боришимиз керак.

Энг олий неъмат

Инсон ҳаётида энг катта бойлик — саломатлик. Фақат соғлом жамиятгина барқарор тараққиёт ва фаровон келажакни таъминлай олади. Шу боис, ўтган даврда соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилаётган маблағ ҳажми сезиларли даражада ошди.

Жумладан, юртимизда 652 та янги тиббиёт муассасаси барпо этилгани аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳажми уч баробар ошишига замин яратди.

Иккинчи миллий дастур аҳолининг соғлом турмуш кечириши, умр давомийлигини ошириш ва тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилгани билан алоҳида эътиборга молик.

Янги ёндашувлардан бири аҳоли саломатлиги учун давлат харажатларини босқичма-босқич оширишдир. Келгуси беш йилда ушбу харажатларни ялпи ички маҳсулотнинг 5 фоизига етказиш, давлат тиббий суғуртасини барча хонадонларга жорий этиш ҳамда жаҳоннинг нуфузли клиникаларини мамлакатимиз тиббиёт тизимига жалб қилиш кўзда тутилмоқда.

Тиббий суғурта тизими жорий этилиши фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатларда янги босқични бошлайди. Энди бемор оддий хизмат олувчи эмас, балки ўз ҳуқуқ ва кафолатларига эга суғурталанган шахс сифатида намоён бўлади.

Соғлиқни сақлашда энг муҳим йўналишлардан яна бири касалликларнинг олдини олишдир. Чунки профилактикага йўналтирилган маблағ оддий харажат эмас, балки инсон ҳаёти ва давлат келажагига киритилган самарали сармоядир. Фақат касалликни эрта аниқлаш орқали инсон саломатлигини сақлаб қолиш, шу билан бирга, даволаш учун сарфланадиган маблағларни камайтириш мумкин.

Бугун соҳадаги ислоҳотлар инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. Тизимдаги кўплаб ҳужжатларни ягона, тушунарли ва замонавий талабларга жавоб берадиган кодекс асосида бирлаштириш эса соҳани янада самарали бошқариш имконини беради.

Янги иқтисодий модель асоси

Мамлакатимиз олдида турган энг муҳим вазифалардан бири иқтисодиётни янги босқичга олиб чиқиш, уни замонавий технологиялар ва юқори қўшилган қиймат яратадиган тармоқлар асосида ривожлантиришдир. Учинчи миллий дастур доирасида белгиланган мақсадлар айнан шу йўналишга қаратилган.

Келгуси ўн йилда 450 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиш, 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмини 300 миллиард долларга етказиш, саноатда 2 миллионта юқори даромадли иш ўрни яратиш ва аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни 10 минг доллардан ошириш каби вазифалар иқтисодиётимизни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишни кўзда тутади.

Бу эса хомашёга асосланган иқтисодиётдан инновация ва юқори технологияларга таянган иқтисодиётга, оддий меҳнатдан эса юқори самарадор ва билимга асосланган меҳнатга ўтишни англатади.



Авваллари асосий эътибор ер, бино, моддий мулк ва анъанавий савдо муносабатларига қаратилган бўлса, бугунги рақамли иқтисодиётда энг қимматли активлар кўпинча кўзга кўринмайди. Булар компьютер дастурлари, маълумотлар базалари, илмий ишланмалар, ихтиролар ва брендлардир.

Масалан, ёш тадбиркор томонидан яратилган замонавий мобил иловага хорижлик инвестор маблағ киритмоқчи бўлса, у, аввало, ўз ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилиниши, эҳтимолий низолар қандай ҳал этилиши ва қонун-қоидаларнинг барқарорлиги ҳақида аниқ кафолатларга эга бўлишни истайди. Чунки ишончли ҳуқуқий муҳит бўлмаса, инвестиция оқими бошқа бозорларга йўналиши мумкин.

Шу маънода, стартаплар, венчур молиялаштириш, рақамли активлар ва замонавий технологиялар учун мос ҳуқуқий механизмларни яратиш ғоятда муҳимдир.

Бугун бизнеснинг ўсишини қўллаб-қувватлайдиган, тадбиркорларни рағбатлантирадиган тизимни шакллантириш ҳам жуда долзарб. Бу борада янги ҳуқуқий ёндашувларга ўтиш бўйича дастлабки қадамлар ташланмоқда. Хусусан, “Тошкент халқаро молия маркази тўғрисида”ги конституциявий қонун асосида янги иқтисодий муносабатлар учун махсус ҳуқуқий тартиб яратилди.

Табиатга масъулият — келажакка эътибор

Бугунги кунда иқлим ўзгариши, сув танқислиги ва экологик муаммолар бутун дунё учун долзарб масалага айланмоқда. Бу ҳолат инсон ҳаёти, иқтисодиёт ва келажак авлодлар фаровонлигига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Шу жиҳатдан олганда, тўртинчи миллий дастурда сув ресурсларини асраш, улардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу борада аниқ ва тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.

Айниқса, қонунчилик механизмларини янада такомиллаштириш, сув ресурсларидан тежамкор ва самарали фойдаланаётган субъектларни рағбатлантириш, улардан исрофгарчилик билан фойдаланганлик учун таъсирчан ҳуқуқий чораларни белгилаш керак.

Бинобарин, сув оддий ресурс эмас, балки мамлакатнинг экологик барқарорлиги ва келажак авлодлар фаровонлигини таъминловчи стратегик бойликдир. Шу сабабли маҳаллий ҳокимликларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш, дарахтларни асраш ҳамда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги масъулиятини янада ошириш зарур.

Ушбу жараёнда жамоатчилик назорати механизмларини кучайтириш, маҳаллий кенгашларнинг бу соҳадаги ваколат ва фаоллигини кенгайтириш лозим бўлади.

Табиатни асрашга ёндашув қанчалик масъулиятли бўлса, келажак авлодларга қолдириладиган мерос шунчалик бой бўлади. Шу мақсадда экологик соҳадаги қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, ислоҳотларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар устидан парламент назоратини ўрнатиш устувор вазифалардан биридир.

Суд мустақиллиги — адолат кафолати

Бешинчи миллий дастур суд мустақиллигини кучайтириш ва қонун устуворлигини умумий қадриятга айлантиришга қаратилгани бежиз эмас. Сабаби, адолат қарор топган жамиятдагина иқтисодий тараққиёт, ижтимоий ишонч ва фуқароларнинг келажакка ишончи мустаҳкамланади.

Мазкур дастурни олтита бошқа миллий дастурнинг ҳуқуқий пойдевори деб аташ мумкин. Зеро, қонун устуворлиги таъминланмас экан, ҳар қандай ислоҳот ва ташаббуснинг самарадорлиги тўлиқ намоён бўлмайди.

Оддий мисол, фуқаро ўз ҳуқуқини суд орқали самарали ҳимоя қила олмаса, белгиланган кафолатлар кутилган натижани бермаслиги мумкин. Атроф-муҳитга зарар етказган шахс ҳам қонуний жавобгарликка тортилмаса, энг мукаммал экологик талаблар етарли самара бермайди.

Демак, қонун устуворлиги барча соҳалардаги ислоҳотлар самарадорлигини таъминлайдиган асосий омилдир. Бу йўналишда қонунчилик олдида қатор муҳим вазифалар турибди. Аввало, судьяларни танлаш, тайинлаш ва улар фаолияти учун зарур шарт-шароитларни яратиш жараёнларида мустақиллик кафолатларини янада мустаҳкамлаш лозим.

Шунингдек, қонунларнинг тўғридан тўғри амал қилишини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фуқаро ўз ҳуқуқ ва манфаатларини тушуниши учун ортиқча бюрократик тўсиқларга дуч келмаслиги, қонун унга аниқ ва тушунарли йўл-йўриқ бериши керак.

Қонун устуворлиги фақат ҳуқуқий тизим эмас, балки ҳуқуқий маданият билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, ёш авлодга мактабдан бошлаб ҳуқуқий билим ва кўникмалар бериш, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини билиши ва улардан фойдалана олишини таъминлаш жуда муҳимдир.

Маҳалла иштирокини кенгайтиришга қаратилган бошқарув тамойили

Олтинчи миллий дастур давлат бошқаруви тизимида муҳим янгиланишларни назарда тутади. Унга кўра, туман бюджети, инвестиция дастурлари ва инфратузилма лойиҳаларини шакллантиришда маҳалланинг иштироки янада кенгаймоқда.

Агар илгари маҳалла кўп ҳолларда юқоридан қабул қилинган қарорларни ижро этувчи бўғин сифатида намоён бўлган бўлса, энди у ҳудуд аҳолисининг ҳақиқий эҳтиёжларини белгилайдиган, устувор вазифаларни шакллантирадиган ва амалга оширилган ишлар натижасини баҳолайдиган муҳим институтга айланмоқда.

Бу тизим самарали ишлаши учун эса унинг ҳуқуқий механизмлари аниқ белгилаб қўйилиши зарур. Жумладан, маҳалла буюртмаси қандай тартибда шакллантирилади? У туман бюджети ва ривожланиш дастурларига қай тарзда киритилади? Агар таклиф рад этилса, бунинг асослари ким томонидан ва қандай шаклда тушунтирилади? Белгиланган вазифалар бажарилмаган тақдирда масъулият кимнинг зиммасига юкланади?

Бу каби саволларга аниқ ҳуқуқий жавоб бўлмаса, масъулият турли идоралар ўртасида тарқалиб кетиши мумкин. Натижада аҳоли кутган самарага эришиш қийинлашади, муаммоларни ҳал этишда жавобгарлик масаласи мураккаблашади.

Айни йўналишда “Ташаббусли бюджет” тажрибаси аҳолининг ўз ҳудуди ривожига дахлдор қарорларни қабул қилишдаги фаоллигини намоён этди. Энди бу тажрибани янада такомиллаштириш, самарали жиҳатларини қонунчилик асосида мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан биридир.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳам маҳалладаги долзарб масалаларни қонунчилик ва бюджет жараёнларига олиб чиқиш, аҳоли манфаатларини ифода этиш ҳамда қабул қилинаётган қарорлар самарадорлигини таъминлашда муҳим кўприк вазифасини бажариши керак.

Тинчлик ва барқарорлик инвестиция учун ишончли заминдир

Еттинчи миллий дастур мамлакатимизнинг тинчликпарварлик сиёсати, дўстлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим вазифаларни белгилайди.

Бу бежиз эмас. Зеро, тинчлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик муносабатлари иқтисодий ривож учун муҳим омиллардан биридир.

Тарихий тажриба кўрсатадики, барқарорлик мавжуд бўлган жойдагина иқтисодий фаоллик ва инвестиция учун ишончли муҳит шаклланади. Яқин ўтмишда чегара масалаларидаги айрим муаммолар нафақат одамлар ҳаракатига, балки тадбиркорлик алоқалари ва савдо жараёнларига ҳам таъсир кўрсатди.

Бугун қўшни давлатлар билан ўзаро ишонч ва стратегик шериклик муносабатлари янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги очиқ ва конструктив сиёсати натижасида кўплаб давлатлар билан дипломатик ва иқтисодий алоқалар изчил ривожланиб бораётир.

Халқаро ташкилотлар доирасидаги фаол иштироки, кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ташаббуслари Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи ортиб бораётганидан далолат беради.

Эришилган ютуқларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, хусусан, миллатлараро тотувлик ва виждон эркинлигини таъминлаш, хорижлик инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек, миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқий меъёрлар билан уйғунлаштириш муҳим ва самарали йўналишлардан бири ҳисобланади.

Парламент эса халқаро шартномаларни кўриб чиқиш ва ратификация қилиш жараёнида уларнинг миллий манфаатларга мослиги, мамлакат тараққиётига хизмат қилиши ҳамда ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлашига алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Сифатли қонун самарали ислоҳот гарови ҳисобланади

Миллий дастурларни самарали амалга ошириш фақат янги қонунларни қабул қилишни эмас, балки қонун ижодкорлигига бўлган ёндашувларни замон талаблари асосида такомиллаштиришни ҳам тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан, лойиҳаларни ишлаб чиқишда уларни муайян мезонлар асосида баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Биринчидан, қонун лойиҳаси муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган, аниқ мақсад ва вазифаларга эга бўлиши лозим. Яъни у фуқаролар, тадбиркорлар ва жамиятнинг реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилиши зарур.

Иккинчидан, ҳар бир қонун лойиҳасида кўзланган мақсад ва уни амалга ошириш натижалари аниқ белгилаб қўйилиши керак. Агар миллий дастурларда вазифалар муайян кўрсаткичлар орқали ифодаланса, уларнинг ҳуқуқий асосини яратувчи қонунлар ҳам амалий самарадорликни таъминлайдиган механизмларни назарда тутиши шарт.

Учинчидан, қонунлар содда, тушунарли ва барқарор ҳуқуқий муҳитни таъминлайдиган тарзда ишлаб чиқилиши муҳим. Фуқаро ҳам, тадбиркор ҳам қонун ҳужжатлари орқали ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ англай олиши, ҳуқуқий нормалар эса тез-тез ўзгариб, ноаниқлик келтириб чиқармаслиги керак.


Тўртинчидан, қонун лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида жамоатчилик иштирокини янада кенгайтириш талаб этилади. Чунки аҳоли ва манфаатдор томонларнинг асосланган таклифлари қонунлар сифатини ошириш, уларни амалиётга янада яқинлаштириш ҳамда келгусида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда, қонун қанчалик пухта ишлаб чиқилган, тушунарли ва ҳаётий эҳтиёжлар билан уйғун бўлса, унинг ижроси ҳам шунчалик самарали бўлади. Шу боис, миллий дастурларда белгиланган устувор вазифаларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, қонунчилик базасини такомиллаштириш ҳамда қабул қилинган ҳужжатлар ижросини аниқ мезонлар асосида назорат қилиш бугунги қонун ижодкорлигининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

2026 йил 16 октябрь, 214-сон

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Узум етиштириш Фарғона иқтисодиётининг муҳим драйверига айланди. Бу минглаб янги иш ўринлари яратиш, оилаларга мўмай даромад олиб кириш имкониятини бермоқда. Шу сабаб мазаси тилёрар узумлардан татиб кўрганлар боғбонни йўқлаб Фарғонага келяпти.



Агротармоқ

УЗУМИНИ ЕБ, БОҒБОННИ ХОРИЖДАН ЙЎҚЛАБ КЕЛИШЯПТИ

Қува туманидаги “Quva-Agro Star” корхонаси Жанубий Корея бозорига узум экспорт қилишни бошлади. Бу маҳаллий маҳсулотни халқаро талаблар асосида етиштириш, янги ҳамкорлар билан ишлаб, экспорт географиясини кенгайтириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Кейинги йилларда Фарғона вилояти ва Жанубий Корея ҳудудлараро ҳамкорлигини ривожлантириш йўлга қўйилди. Натижада савдо-иқтисодий, инвестиция алоқаларини кенгайтириш борасида истиқболли лойиҳалар амалга оширила бошланди. Бу эса вилоятнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. “Quva-Agro Star” корхонасида ушбу имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда. Корхонада маҳсулотни экспортга тайёрлаш, қадоқлаш, фитосанитария талабларига риоя қилиш ва зарарсизлантириш ишларини халқаро меъёрлар асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жанубий кореялик мутахассислар мазкур корхонадаги мавжуд шароитлар, маҳсулот етиштириш жараёнлари ҳамда фумигация ишларини ўрганиб, ҳамкорликни йўлга қўйиш истагини билдирди. Дастлабки келишувларга кўра, Фарғонадан Жанубий Кореяга 300 тонна сархил узум экспорт қилинади.

Азалдан миришкор деҳқонлар сифатида танилган фарғоналиклар ҳар қарич ердан фойдаланиш ҳадисини олган. Бу заминда етиштирилган узумларни татиб кўрган киши боғбонлар меҳнати ва маҳоратига қойил қолади. Ер билан тиллашишни хуш кўрган миришкорлар узум экиш, сақлаш, турларини кўпайтириш ва сотишда катта ҳаётий тажрибага эга. Айниқса, кейинги йилларда соҳа ривожи йўлидаги ҳаётбахш лойиҳалар тиллоранг, тилёрар узум етиштириш ҳажмини оширди. Унинг сифатини яхшилаш имконини берди. Натижада йирик узумчилик плантациялари ташкил этилиб, бозор талабига мос маҳсулотлар етиштириш бошланди.

Маълумотларга кўра, 2025 йилда вилоятдан 98 минг 664 тонна узум экспорт қилинган. Жорий йилнинг шу кунига қадар эса умумий қиймати 63 миллион доллар бўлган 80 минг тоннадан ортиқ маҳсулот хориж бозорларида сотилган. Мазкур йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш вилоят аграр тармоғи рақобатбардошлигини мустаҳкамлаш, экспорт географиясини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

— Бундай натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, — дейди Фарғона вилояти Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бош бошқармаси мутахассиси Ҳаётбек Комилов. — Юртимизда мева-сабзавотчилик соҳасида қўшимча қиймат занжирини яратиш, узумчилик тармоғини ривожлантириш учун катта имкониятлар яратиб берилган. Булар соҳа ривожида муҳим дастуруламал бўлмоқда. Жумладан, унумдорлиги паст, кам ҳосилли ғалла майдонларини босқичма-босқич қисқартириб, ўрнига янги токзорлар ташкил этилаётгани натижа бера бошлади. Биргина Олтиариқ туманида кейинги беш йилда тўрт минг гектардан ортиқ майдонда узумзор ташкил этилди. Шунингдек, Қува, Қўштепа, Риштон туманларидаги маҳаллалар ҳам узумчиликка ихтисослашяпти. Асосий майдонларда харидоргир бўлган “Ҳусайни”, “Келинбармоқ” ҳамда “Ризамат” каби навлар экиляпти. Маҳаллий тадбиркорлар ташаббуси билан узумни Европанинг илғор агротехнологиялари бўйича қадоқлаш тизими йўлга қўйилган. Натижада АҚШ, Япония, БАА бозорлари ва йирик савдо тармоқларида маҳсулотларимизга талаб ортиб бормоқда. Ўз навбатида, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон, Европадан келтирилган данаксиз, узоқ масофага ташиш ва саноат усулида қайта ишлашга қулай, майзибоп янги навлар устида илмий-амалий тажрибалар ўтказилмоқда. Бу ишларда ҳам ютуқлар кўрина бошлади.

Олтиариқ туманидаги “Хайрулло Баҳром Бойматов” фермер хўжалигида 75 гектар ерда узумчилик плантацияси ташкил этилган. Бу ерда 20 турдаги хорижий ва маҳаллий узум навини парваришлаш, кўпайтириш борасида амалий ишлар қилинмоқда. Асосий эътибор, ички ва ташқи бозорда харидоргир навларни кўпайтиришга қаратиляпти. Бу навлар эртапишар, серҳосил ва узоқ вақт сақланиш жиҳатлари билан ажралиб туради.

— Ҳозир АҚШнинг таниқли узум етиштирувчи ва экспорт қилувчи “ARRA” ҳамда “GRAPA” компаниялари масъуллари билан жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган уруғсиз узум навлари (“Ard 35”, “Ard 41”, “Arra 29”, “Greyps”, “Avatar”) сертификатини сотиб олиш бўйича музокаралар ўтказилмоқда, — дейди Олтиариқ тумани қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи ўринбосари Рафиқжон Мирзажонов. — Шу мақсадда тумандаги мавжуд пахта ва ғалла майдонлари ҳисобидан узумчиликни ривожлантириш учун 1000 гектар ер ажратиш таклифи билдириляпти.

Ҳисоб-китобларга кўра, маҳаллий узум навларини етиштириш орқали бугдойдан 10,7 баробар ва пахтадан 6 баробар кўп даромад топиш мумкин. Агар уруғсиз узум нави экилса, бу кўрсаткич янада ошади. Хусусан, бугдойдан 37,5 баробар, пахтадан 21 баробар юқори даромад топиш имкони бўлади.

Бу ҳам ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ошириб, барқарор бизнес моделини яратади. Натижада туманимизнинг йиллик экспорт миқдори 40 минг тоннагача етказилади. Янги ташкил этиладиган узумзорларда тўрт мингдан ортиқ аҳоли доимий иш билан таъминланади.

Узумчиликни ривожлантиришда “Oltiariq-Agro Star” масъулияти чекланган жамиятининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Бу ерда “Келинбармоқ”, “Ризамат”, “Қора кишмиш”, “Мерседес” навларини етиштириш оммалашмоқда. “Зилол” маҳалла фуқаролар йиғинида 4,95 гектар ерда узум етиштириш, сақлаш ва етказиб бериш занжирини қамраб олган “Агрокомплекс” мажмуаси ташкил этилди. Янги лойиҳа доирасида 30 та доимий ва 40 та мавсумий иш ўрни яратилди.

— Бу ерда йиллик қамрови 1500 бўлган узумчилик мактаби фаолияти йўлга қўйилган, — дейди “Oltiariq-Agro Star” масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси Умиджон Бозоров. — Тингловчиларга замонавий иссиқхонада узум етиштириш, парваришлаш ўргатилади. Шунингдек, улар фитосанитария лабораторияфаолиятини юритиш, совиткич омборхоналарда маҳсулот сақлаш билан боғлиқ амалий жараёнларда бевосита иштирок этади. Шу тариқа назарий билимлар амалий иш тажрибаси билан уйғунликда кечади. Ҳозир 3,75 гектарда узум плантацияси, 300 кВтли қуёш панеллари, 4,75 гектарда томчилаб суғориш, 1 гектарда замонавий иссиқхона ва 2000 тонналик музлаткичли омборхона қурилиши поёнига етказилди. Узум плантацияси ва замонавий иссиқхоналарда маҳаллий узум кўчатларидан ташқари Хитой тажрибаси асосида “Kober 5BB” пайвантаг кўчатлари етиштириш йўлга қўйилди.

Маҳаллаларда “етиштириш — қайта ишлаш — сақлаш — қадоқлаш — сотиш” занжирини йўлга қўйиш мақсадида аҳоли хонадонларига кичик ҳажмли музлаткич омборхоналар қуриб берилмоқда. Лойиҳа аҳолини иш билан таъминлаш ва камбағал оилалар даромадини ошириш мақсадида йўлга қўйилган.

— Етиштирган узумларимизни музлаткичларда сақлаш учун 20 чақирим йўл юришимизга тўғри келарди. Бу ортиқча оворагарчилик, техника билан боғлиқ харажатларни оширарди, — дейди боғбон Рўзимат Отабоев. — Шу боис, аксарият маҳсулотларни омборхона ва ертўлаларда сақлашга ҳаракат қилардик. Бу усул кўп холларда маҳсулот сифатига таъсир кўрсатиб, йўқотишларга сабаб бўларди. “Зилол” маҳалла фуқаролар йиғинида 30 тоннали музлаткич қуриб берилгани айни муддао бўлди. Оралиқ масофа қисқарди, маҳсулотлар тоқдан узилгандек сақланяпти.

Ҳозир озиқ-овқат хавфсизлиги барқарорлигини таъминлаш учун туманда ҳар бирининг сиғими 100 тоннадан юқори бўлган 88 та музлаткичли омборхона фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, аҳоли хонадонларида 1000 та музлаткичли кичик омбор қуриш режа қилинган. Ҳозирга қадар аҳоли хонадонларида ҳар бирининг сиғими 10 тоннадан 30 тоннагача бўлган 41 та музлаткичли омбор очилди.

Бир сўз билан айтганда, узум етиштириш Фарғона иқтисодиётининг муҳим драйверига айланди. Бу минглаб янги иш ўринлари яратиш, оилаларга мўмай даромад олиб кириш имкониятини бермоқда. Шу сабаб мазаси тилёрар узумлардан татиб кўрганлар боғбонни йўқлаб Фарғонага келяпти.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири
Шерзод Қорабоев олган сурат.

Президент ташрифидан сўнг

СУРХОНДАРЁ ТАЖРИБАСИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОИЙ ЮТУҚЛАРИ

Президентимиз ташаббуси билан Қорақалпоғистон туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун янги тизим йўлга қўйилган эди. Унга кўра, ҳар бир туман биттадан вилоятга бириктирилган. Шу асосда ҳудудлар ўртасида тажриба алмашиш ҳамда бириктирилган ҳудудларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсад қилинган. Жумладан, Сурхондарё вилояти Тахиатош тумани билан мана шу асосда ҳамкорлик қилиши назарда тутилган.

— Бу икки ҳудуд аҳолисининг бир-биридан тажриба ўрганиши учун жуда яхши имконият бўлди. Унинг доирасида оналар саломатлигини сақлаш, хотин-қизлар масалаларини ҳал этиш, халқ таълими, бандликка кўмаклашиш борасида муайян ишлар қилинмоқда, — дейди Сурхондарё вилояти Узун тумани халқ депутатлари кенгаши раиси Дилором Сапарова. — Биз Тахиатош туманининг Қушчилик маҳалласига бириктирилганмиз. Узумчилик бўйича алоҳида намунавий ишларни бошлаб юбордик.

Сурхондарё вилояти вакилларининг Тахиатошдаги ўрганишлари Қушчилик маҳалласидан бошланди. Бу ерда ишчи гуруҳ аъзолари дастлаб ижтимоий реестрга киритилган оилаларни бориб кўрди. Биринчи манзил Булбул Ғоипованинг хонадони бўлди. Хонадонда 4 оила истиқомат қилади.

— Бир уйда 4 та оила яшаймиз. Келин бўлиб келганимга 14 йил бўлди. Тўртта фарзандим бор. Маҳалламизда ижтимоий реестрда турамиз. Эрим дурадгор бўлиб ишлайди. Ўзим уйда фарзандларимга қараб ўтираман. Доимий ишим йўқ. Ҳозир болалар учун нафақа оламиз. Бундан бошқа ҳам ёрдам берилмоқда. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари, болаларимга кийим-кечак, ўқув қуроллари ҳам бериляпти. Тўртта болам ҳам қўшимча тўгаракка бепул қатнамоқда. Сурхондарё вилоятидан ишчи гуруҳ келиб, уйдаги шароитимиз билан танишди, — дейди Булбул Ғоипова. — Ўрганиш натижасига қараб масалаларимизни ҳал этиш, доимий даромад топишга кўмаклашилар экан. Бундан, албатта, хурсандмиз.

Мафтуна Исроилова бундан 10 йил олдин Андижондан Қорақалпоғистонга келин бўлиб келган. Бугун у 3 фарзандини тарбиялаш билан бирга тикувчилик билан шуғулланмоқда. Шу ҳунари сабаб оиласига қўшимча даромад келтирмоқда. Бироқ тикув машинаси анча эскирган. Энди маҳалла томонидан унга янги тикув машинаси бериладиган бўлди.

— Президентимизнинг жорий йил 18-19 сентябрь кунлари Қорақалпоғистонга ташрифида берилган топшириқлар ижроси юзасидан Узун туманидан Тахиатошга қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари ва туман кенгаши депутатлари билан келганмиз, — дейди Сурхондарё вилояти Узун тумани камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи Зиёдилла Абданов. — Қушчилик маҳалласидаги хонадонлар ҳолатини ўргандик. Хусусан, ижтимоий реестрда турувчи оилалар ҳолати билан яқиндан танишилди. Шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини ошириш мақсад қилинган. Бунда тадбиркорлар сафини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. “Маҳалла еттилиги” билан ҳамкорликдаги ўрганиш жараёнида ҳудудда ижтимоий реестрда турадиган 36 хонадоннинг тадбиркорликни йўлга қўйиш имконияти, бандликка эҳтиёжи аниқланди. Жараёнда зарур ускуна билан таъминлаш, касбга ўқитиш каби масалалар ҳам таҳлил қилинди.

Ҳозир Қушчилик маҳалласида 327 та хонадон бор. Ҳудуддаги ишсизлик даражаси 6,8, камбағаллик эса 8,2 фоизни ташкил этади. Сурхондарёликлар аҳоли даромадини ошириш чорасини кўриб, ушбу кўрсаткичларни тез орада камайтиришни мақсад қилган.

— Ўтган йили Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 9 та маҳаллада узумчилик йўлга қўйилди. Умумий ҳисобда 6,5 километр кўча усти войиш қилинди. Ушбу тажрибани Қушчилик маҳалласида ҳам жорий этиш, жумладан, ҳудудни узумчиликка ихтисослаштириш учун биринчи қадамларни бошладик. 12 та хонадонда 100 метрли узум войиши барпо этилди. Бу йил охиригача 1 километрдан зиёд ерда узумзор ташкил этишни мақсад қилганмиз, — дейди Узун тумани “Ўзбекистон” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Акбаржон Бойматов. — Ҳар бир хонадонда 4 тупдан узум бўлганда ҳам 500 килограммдан 2 тоннагача ҳосил олиш мумкин. Бу аҳолига ҳар йили ўртача ҳисобда 20 миллион сўмгача қўшимча даромад келтиради.

Ҳудудлар ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг моҳияти бир жойдаги тажрибани ўрганиш, уни бошқа ҳудуд шароитига мослаштириш ва аниқ натижага эришишдан иборат.



Нуқтаи назар

НЕГА АЙНАН ҲОЗИР?



Нодир ЮСУПОВ,
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Ислоҳот ва битирувчи портрети

Фарзандимиз мактабда ўн бир йил ўқийди. Шу йиллар якунида у қандай инсон бўлиб етишишини ким белгилайди? Таълим тизимидаги янги ислоҳот бу саволга аниқ жавоб беришни талаб қилмоқда. Жавоб эса ҳар бир оилага, ҳар бир маҳаллага ва юртимиз келажагига дахлдор.

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ягона Таълим ва илм-фан вазирлиги сифатида қайта ташкил этилиши бундан буён боғча, мактаб, профессионал таълим ва олийгоҳ битта тизимда, битта масъулият остида ишлашини англатади. Вазирлик барча боғча, мактаб, профессионал ва олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этади. Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги эса ўқув дастурлари ва дарсликларни ишлаб чиқадиган, амалиётга жорий этадиган ва натижасига қараб такомиллаштирадиган ўзига хос лабораторияга айланади. Олий таълимда давлат аралашуви кескин қисқартирилиб, олийгоҳлар мустақиллиги кенгайтирилади. Қайси олийгоҳ сифатли таълим бераётганини эса эркин рақобат ва бозор талаби кўрсатади.

Ислоҳотлар мактабнинг кундалик ҳаётига етиб бормоқда. Яъни энди мактаблар фаолиятини баҳолаш учун “сифат индекси” жорий этилади. Ўқитувчиларга мажбурий бир ойлик курслар ўрнига касбий ривожланиш ваучерлари берилади. Ёшларни мактабданоқ касбга тайёрлаш ва таълим босқичлари ўртасидаги узвийликни таъминлаш бўйича комиссия тузилиб, уч ой ичида янги ечимлар эълон қилинади. Демак, айни дамда таълим тизими бутунлай қайта лойиҳаланмоқда.

Бино қурилаётганда аввал унинг чизмаси тайёрланади. Кемага қанча кучли мотор ўрнатманг, компас бўлмаса, манзилга етиб бориши мушкул. Таълимнинг чизмаси ҳам, компаси ҳам — битирувчи портрети. Шунинг учун у ҳақида айнан ҳозир гапириш керак.

Портрет ҳақида нималар маълум?

Ислоҳотнинг марказида турган тушунча — ўзбек мактаби битирувчисининг портрети. Ўқув дастурлари ва методик материаллар айнан шу портретга таянган ҳолда ишлаб чиқилади.

Давлатимиз раҳбари 28 сентябрь куни мактаб таълимида янги авлод дарсликларини жорий этиш, олийгоҳлар ва корхоналар ҳамкорлигида дуал таълимни ташкил қилиш бўйича тақдимот билан танишиш чоғида “Янги Ўзбекистон мактаб битирувчиси портретида билим билан бир қаторда замонавий кўникмалар, ахборот технологияларини пухта эгаллаш, ижодий ва мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш қобилияти муҳим ўрин тутади”, деган эди.

Шу йил 30 сентябрда “Янги Ўзбекистон” университетида Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан бўлиб ўтган учрашувда эса Президентимиз мактаб битирувчиси катта ҳаётга касб ва хорижий тилни эгаллаб чиқиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Жорий йил 25 май санасида мактаб битирувчиларига йўллаган табригида эса тил, касб, компьютер саводхонлиги ва мустақил даромад топиш кўникмасини эгаллаш муҳим заруратга айланаётганини, меҳнат бозори энди, аввало, “ҳужжат” эмас, амалий билим, малака ва натижа сўраётганини қайд этганди.

Бу сўзлар ортида аниқ имкониятлар турибди. Мамлакатимизда 207 та олийгоҳ ва 643 та техникум ёшларга замонавий билим, касб ва малака беришга тайёр. Тадбиркор бўлишни истаган ёшлар учун банклар жорий йилда 25 триллион сўм арзон кредит таклиф этмоқда, стартап лойиҳаларини бошлаган битирувчилар учун 100 миллион доллар тайёрлаб қўйилган. Энг йирик АТ компаниялар ҳар йили камида 50 минг битирувчини сунъий интеллект бўйича ўқитиб, юқори даромадли ишга жойлаштиради. Натижалар ҳам кўзга ташланмоқда. PISA рейтингида 15 ёшли ўқувчиларимиз табиий фанлар бўйича 32 поғона юқорилаб, 48-ўринни эгаллади. Янги дарсликлар миллий қадриятлар, рақамли ва молиявий саводхонлик билан бирга мустақил ва танқидий фикрлашни ривожлантиришга қаратилган. 2027 йилга қадар 1342 номдаги дарслик ва ўқув-методик материал тайёрланиши режалаштирилган.

Бугун қишлоқдаги оддий мактаб битирувчиси ҳам эртага дунё тан оладиган олим бўлиши учун имконият етарли. Масала — ундан фойдалана оладиган, ташаббускор ва масъулиятли ёшни тарбиялашда. Портретнинг вазифаси ҳам ана шу.

Бу чиройли сўзлар тизими эмас

Битирувчи портрети “Мактаб охирида қандай инсонни кўрмоқчимиз?” деган саволга қисқа жавобдир. Лекин у умумий сўзлардан иборат бўлиб қолса, амалда ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Бу сўзларни ҳар ким ўзича тушунади, уларни ўлчаб бўлмайди. Ўқитувчи эса дарсда кўпинча текшириладиган нарсани ўргатади. Шу маънода, ислоҳотдаги янги ёндашув муҳим. Энди ўқувчининг ҳар бир синф якунида нимани билиши ва бажара олиши аниқ белгиланади. Таълим стандарти, ўқув дастури, дарслик ва баҳолаш ўзаро боғлиқ ҳолда шакллантирилади. Портретнинг ҳар бир сифати ҳам худди шундай аниқ



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

бўлиши керак: битирувчи нима қила олади, бу қандай текширилади ва бунинг учун дарсда нима ўзгаради?

Янги дарсликлар яратишда тажрибасига таянилган мамлакатлар бу борада ибратли. Бошланғич синф дарсликлари Финляндия таълим альянси сертификациясидан ўтган, 5-7-синфларнинг математика, физика, кимё ва биология дарсликлари эса Сингапур дарсликлари асосида ишлаб чиқилган. Иккала мамлакатда ҳам битирувчи қиёфаси марказида инсоннинг жамиятга муносабати туради.

Сингапурда таълимдан кутиладиган тўрт натижадан бири — юрт ташвишини ўз ташвиши деб биладиган инсон. У Ватанида чуқур илдиз отган, оиласи, жамоаси ва миллати олдида масъулиятли, атрофидагилар ҳаётини яхшилашда фаол иштирок этади. Бу натижалар ҳар бир таълим босқичи учун алоҳида белгиланган.

Финляндияда еттита кенг компетенциядан бири — иштирок этиш, таъсир кўрсатиш ва барқарор келажак қуриш қобилияти. Уни алоҳида фан эмас, барча фанлар биргаликда ривожлантиради. Демак, илғор таълим тизимлари фақат билимли эмас, жамият ҳаётида фаол иштирок этадиган инсонни тарбиялашни мақсад қилган.

Ўзак — фаол ҳаётий позиция

Президентимиз таъкидлаган сифатлар — билим, замонавий кўникма, мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш, касб ва тил — битирувчининг қанотларидир. Лекин қаёққа учишни ҳам белгилаб олиш керак. Назаримда, портретнинг ўзаги фаол ҳаётий позиция бўлиши лозим.

Фаол ҳаётий позиция инсоннинг ҳар бир ҳаракати катта натижага олиб келишини англашидир. Ёш инсон китоб ўқиса, касб ўрганса, тадбиркорлик билан шуғулланса ёки маҳалласидаги муаммони ҳал қилишга кўмаклашса, бу унинг шахсий иши. Айни пайтда бу оиласи, маҳалласи ва Ватани учун ҳам ҳиссадир. Шахсий интилиш ва Ватан манфаати бир-бирига қарши эмас, бир-бирини тўлдиради. Бундай инсон жамият ривожига бефарқ бўлмайди. У кимдир келиб муаммони ҳал қилиб беришини кутиб ўтирмайди, интилиш, албатта, натижа беришига ишонади. Илм, касб ва тадбиркорлик учун яратилаётган имкониятлардан ҳам айнан шундай ёшлар фойдалана олади. Президентимиз айтган “мустақил даромад топиш кўникмаси” фаол ҳаётий позициянинг иқтисодий кўринишидир.

Ўзбек мактаби битирувчиси жамият билан фаол ва масъулиятли муносабатда бўлиш қобилиятига ва истагига эга инсондир. У ҳар бир ҳаракати катта натижага олиб келишини англайди ва мақсадларини оиласи, маҳалласи ва Ватани манфаатлари билан уйғунлаштиради. Ўзаро ҳурмат, бағрикенглик ва ҳамкорлик бунинг асоси бўлади. Битирувчи ҳар бир инсон қадрини миллати, тили ва эътиқодидан қатъи назар, тан олади. Турли фикрларни бир-бирига қарши қўймай, уларни яқинлаштириб, умумий ечим топишни билади.

Уни қандай таниймиз?

Фикримизча, битирувчи мустақил фикрлаб, зарур қарор қабул қила оладиган, нотаниш матндан асосий фикрни, далилни шахсий фикрдан ажрата билиши керак. Касб ва тилни эгаллаган, ўз меҳнати билан яшайди. Мактабни камида битта касб асоси ва битта хорижий тил билан тугатиши зарур. Боқимандаликни ўзига эп кўрмайди, бепул берилган таълимнинг қадрига етади.

Шунингдек, у атрофидагиларга бефарқ эмас. Очиқ қолган жўмракни ёпади, йўлда ётган чиқиндини идишга ташлайди, кексаларга ёрдам беради. Кичик ишда кўринган масъулият кейин катта ишда ҳам намоён бўлади.

Ҳамкорликдан натижа яратади. Мактаб давридаёқ жамоа билан камида битта ижтимоий лойиҳани бошидан охиригача амалга оширади. Масалан, маҳалласидаги бирор муаммони ҳал қилишда ёки мактаб кенгашида таклиф ишлаб чиқишда қатнашади.

Бу белгиларнинг ҳар бирини нотаниш матн бўйича топшириқ, лойиҳа портфолиоси, синфдаги баҳсни кузатиш орқали кўриш мумкин. Портрет мактабгача таълим якуни ҳамда 4-, 9- ва 11-синф якуни учун алоҳида ёзилса, тарбиячи ва ўқитувчи ҳар бир босқичда нимага эришиш кераклигини аниқ билади. Боғчада бола яхшиликни ҳис қилади, мактабда уни ўзи бажаради, битираётганда эса қарор қабул қилиб, жамоани бошқаради.

Фаол ҳаётий позиция инсон умри давомида, 7 ёшдан 70 ёшгача такомиллашиб боради. Лекин унинг пойдевори мактабда қўйилади. Ягона вазирлик шароитида бу зинапояни профессионал ва олий таълимгача узлуксиз давом эттириш имкони туғилди.

Нима халақит бермоқда?

Портретни қоғозга ёзиш осон. Уни ҳаётга татбиқ этиш эса бир неча тўсиқни енгишни талаб қилади. Уларни очиқ тан олиш ислоҳотнинг муваффақияти учун зарур.

Боқимандалик. Кимдир келиб муаммони ҳал қилиб беришини кутиш одати ёшлар ташаббусини сўндиради. Бепул берилаётган таълимдан самарали фойдаланмаслик, тайёр имкониятни кутиб ўтириш ҳам шу одатнинг бир кўриниши. Давлат ёшлар учун кредит, грант ва ўқув дастурларини тайёрлаб қўймоқда. Улардан фойдаланиш учун эса ички интилиш керак.

Бефарқлик. “Менга нима?” деган қараш кичик ишдан бошланиб, катта масалаларгача етиб боради. Бефарқ инсон энг яхши ислоҳотни ҳам четдан кузатиб туради.

“Ҳужжат” учун ўқиш. Мактаб ва олийгоҳ, асосан, баҳо ва дипломга қараб ишласа, бола ҳам билим ва кўникма учун эмас, ҳужжат учун ўқийди. Президентимиз таъкидлаганидек, меҳнат бозори энди “ҳужжат” эмас, натижа сўрояпти.

Шаклбозлик. Тадбир ҳисобот учун ўтказилса, бола фаоллик деганда юқоридан келган мажбуриятни тушунади. Бундай “фаоллик” ташаббусни эмас, лоқайдликни тарбиялайди.

Ахборот муҳити. Бугун бола тарбиясига оила ва мактаб билан бирга ижтимоий тармоқлар ҳам кучли таъсир ўтказмоқда. Ёшлар онгига қадриятларимизга ёт қарашлар, меҳнатсиз бойлик ва осон шуҳратни улуғлайдиган андозалар кириб келмоқда. Оммавий ахборот воситаларида эса оддий инсонларнинг кундалик фойдали меҳнати ва ташаббуси ҳақидаги ҳикоялар ҳали кам. Болалар китоблари ва мультфильмларда ҳам меҳнат, интилиш ва ҳалол ютуқни улуғлайдиган қаҳрамонлар кўпроқ бўлиши керак.

Бу тўсиқларни битта дарс ёки битта тадбир билан енгиб бўлмайди. Уларга қарши энг кучли восита болага ёшлигидан “менинг ҳаракатим натижа берди”, деган ҳақиқий тажрибани беришдир.

Шулардан келиб чиқиб, портретни меъёрий ҳужжат сифатида тасдиқлаш ўринли. Бунда битирувчи портрети мактабгача, бошланғич, таянч ва ўрта таълим якуни учун босқичма-босқич, ўлчанадиган кўрсаткичлар билан ишлаб чиқилади. Ягона вазирлик шароитида у профессионал ва олий таълим талаблари билан узвий боғланиши мақсадга мувофиқ.

Бунинг учун лойиҳа жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши, портрет ота-оналар, ўқитувчилар, иш берувчилар ва ёшлар иштирокида кенг муҳокама қилиниши керак. Чунки жамият ўзи иштирок этиб яратган ҳар қандай ташаббусни ўзиники деб қабул қилади.

“Сифат индекси”га портрет кўрсаткичларини киритиш орқали мактабларни фақат тест натижалари эмас, ўқувчиларнинг ижтимоий лойиҳалари, касб ва тил кўникмалари каби кўрсаткичлар билан ҳам баҳолаш мумкин.

Мактабни битиргунча ҳар бир ўқувчи жамоа билан камида битта ижтимоий фойдали лойиҳани амалга ошириши, турли ташаббусли лойиҳаларни ташкил қилиши мақсадга мувофиқ.

Касб синфхонада эмас, иш жойида пишади. Шу боис, давлатимиз раҳбари алоҳида эътибор қаратаётган дуал таълимни техникум ва олийгоҳларда кенг жорий этиш, иш берувчиларни эса ўқув режа ва дастурларни биргаликда тузадиган тенг ҳуқуқли шерикка айлантириш зарур. Германияда бундай таълим битирувчиларининг 70-75 фоизи ўзи амалиёт ўтаган корхонада ишлаб қолаётгани бу йўлнинг самарасини яққол кўрсатиб турибди. Касбий ривожланиш ваучерлари орқали ўқитувчилар ўқувчида фаол ҳаётий позицияни шакллантириш бўйича амалий курслар ташкил этиши ҳам муҳим.

Ислоҳотнинг энг муҳим натижаси янги вазирлик ёки янги дарслик эмас, мактабдан чиқадиган инсон бўлади. Шунинг учун битирувчи портретини айнан ҳозир, янги тизимнинг пойдевори қўйилаётган пайтда аниқ ва ўлчанадиган қилиб белгилаш зарур.

Лекин портретни ёлғиз вазирлик чизиб бера олмайди. Унинг ҳар бир чизиғи ҳар биримизнинг қўлимизда. Ота-оналар болага биринчи намунани уйда кўрсатади. Ваъзхонликда туриш, меҳнатни қадрлаш, бошқанинг ҳақини ҳурмат қилиш оиладан бошланади. Ўқитувчилар дарсда фақат билим бермайди. Улар болага ўз фикрини айтишни ва бошқани тинглашни ўргатади. Маҳалла болага ўзи яшаётган кўча ва ҳовлининг эгаси эканини ҳис қилдиради. Тадбиркорлар ва мутахассислар ёшларга касб сирларини ўргатади. Интилиш, албатта, натижа беришни ўз мисолида кўрсатади. Ёшларнинг ўзи эса ҳар бир ҳаракати катта натижага олиб келишини унутмаслиги керак.

Президентимиз битирувчиларга “Доимо ўзгаришлар, ислоҳотлар руҳи билан яшайдиган авлод бўлинг!” деб мурожаат қилган эди. Бундай авлодни тарбиялаш учун мактаб, оила, умуман, бутун жамият ҳам ўзгариш руҳи билан яшаши керак. Шунда мактабларимиздан Учинчи Ренессанс бунёдкорлари етишиб чиқади.

Ифтихор

ОРЗУ ОСТОНАСИДАН ДИПЛОМАТИЯ МАЙДОНИГА

Баъзи орзулар инсон ҳаётида шунчаки мақсад бўлиб қолмайди. Улар йиллар давомида ҳаракатга, масъулиятга, охир-оқибат эса ҳаёт йўлини белгилайдиган мезонга айланади. Мен учун шундай орзулардан бири дунёнинг энг нуфузли университетларидан бирида халқаро муносабатлар соҳасида таҳсил олиш эди. Шу орзум амалга ошди. АҚШнинг нуфузли Жонс Ҳопкинс университетида магистратура босқичида таҳсил олиш имкониятига эга бўлдим.



Гулруҳбону ШОКИРОВА,
“Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиати,
АҚШнинг Жонс Ҳопкинс университети магистранти

Бу мақсадга эришиш бир кунлик жараён эмас эди. Университетга қабул учун юқори даражадаги инглиз тили билими, бакалавриатдаги юқори академик натижалар, мотивацион хатлар ва суҳбатлардан муваффақиятли ўтиш талаб этилди. Натижада университетдан деярли 50 фоиз миқдорида стипендия олишга муваффақ бўлдим.

Бироқ қабул хати қўлимга теккани билан йўл тугамади. Аксинча, янги босқич бошланди.

Ҳаётимдаги муҳим бурилиш

2021 йил 15 январь куни давлатимиз раҳбари билан учрашганман. Ўша пайтда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг биринчи курс талабаси эдим. Учрашув чоғида талабаларнинг Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида амалиёт ўташи масаласи бўйича таклиф билдириш имкониятига эга бўлдим. Ростини айтсам, жуда ҳаяжонландим. Таклифим қўллаб-қувватланди.

Кейинчалик Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида амалиёт ўтадим. Дипломатларнинг кундалик фаолияти, халқаро музокаралар, давлат манфаатларини хорижда ифода этиш каби жараёнларни яқиндан кузатдим. Бу мен учун катта имконият эди. Аммо ўша пайтдаёқ бу имконият ортида катта масъулият турганини ҳис қилганман. Кейинчалик Ўзбекистоннинг Брюсселдаги дипломатик ваколатхонасида ҳам бир ойлик амалиёт ўтаб, Европа дипломатик муҳити билан танишдим.

Президентимиз қўлидан “Келажак бунёдкори” медалини олиш шарафига ҳам муяссар бўлганман. Мен учун бу мукофот шунчаки тақдирлаш эмас. Унда менга билдирилган ишонч мужассам. Хориждаги амалиёт давомида чет эллик тенгдошларимнинг “Сен элчихонага қандай келдинг?” деб катта қизиқиш билан сўраганини ҳамон ёдимда. Уларга Ўзбекистонда ёшларга бундай имкониятлар берилаётганини айтганимда, ҳайратини яшира олмади. Менимча, шунинг ўзиёқ мамлакатимизда ёшлар учун яратилган имкониятлар аҳамиятини кўрсатади.

210 кишидан бири бўлиш бахти

Жонс Ҳопкинс университетига қабул қилинганимдан кейин “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендияси танловида иштирок этишга қарор қилдим. Биринчи босқичдан муваффақиятли ўтиб, тест синовига чақирилдим. 87,5 балл мени суҳбат босқичига олиб чиқди.

Суҳбатда асосий эътибор, менимча, нафақат қаерда ўқишимга, балки бу таълимдан кейин олган билимимни мамлакат тараққиётига қандай йўналтиришимга қаратилди. Қайтиб келгач, қандай ишларни амалга оширишим, халқаро ҳамкорликка қандай ҳисса қўша олишим ҳақида фикрларим билан ўртоқлашдим.

Натижада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Эл-юрт умиди” стипендияси совриндори бўлдим. Кўпчилик буни катта ютуқ ёки бахт деб баҳолайди. Албатта, бу — катта ютуқ. Аммо мен учун унинг иккинчи маъноси ҳам бор: масъулият. Ўн минглаб номзод орасидан танланиш, давлатнинг таълим учун ажратаётган ишончи ва имкониятига эга бўлиш бу — фақат шахсий муваффақият эмас, балки ишончни оқлаш мажбурияти ҳамдир.

Эндиги орзум — элчи бўлиш

Шу пайтгача “Энг катта орзунг нима?” деб сўрашса, “Энг яхши университетлар рўйхатига киритилган олий таълим даргоҳига қабул қилиниб, ўқиш”, деб жавоб берардим. Бугун бу орзум амалга ошди. Шунинг учун энди олдимда яна бир анча узоқ ва мураккаб мақсад турибди.

Келажакда аёл дипломат, ҳатто элчи сифатида мамлакатимизга хизмат қилишни истайман. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини янада мустаҳкамлаш, мамлакат манфаатларини профессионал даражада ифода этиш — мен учун олий мақсад.

Бу осон йўл эмаслигини тушунаман. Элчиларимизнинг фаолиятини кузатганман, улар билан бирга ишлаш имконига эга бўлганман. Бир инсон зиммасига миллионлаб одамлар номидан бошқа бир давлатда мамлакат манфаатларини ифода этиш масъулияти юкланади. Бунинг ўзи дипломатиянинг нақадар катта билим, тажриба ва матонат талаб қилишини кўрсатади.

Шунинг учун Жонс Ҳопкинсдаги таҳсилни мен фақат шахсий таълимий мақсад сифатида кўрмайман. Бу — келажакда мамлакатимга қайтаришим керак бўлган билим ва тажриба учун навбатдаги босқич.

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, давлат хизматчиларининг халқаро тажриба ва стажировкалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, хорижий ҳамкорлар билан профессионал алоқаларни мустаҳкамлаш каби йўналишларда фаолият юритмоқчиман.

Беш йил аввал Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида амалиёт ўтаётган чоғимда Жонс Ҳопкинс университетига қараб қилган ниятим бугун рўёбга чиқди. Энди гап орзунинг амалга ошишида эмас, берилган имконият ва билдирилган ишончни қандай натижага айлантиришда.



Мулоҳаза

ТИЛИМИЗНИНГ КЕЛАЖАГИ

болаларга аталган китобларга ҳам боғлиқ



Саида РАШИДОВА,
болалар ёзувчиси

Ўзбек тили байрами куни биз учун фақат тарихий санани ёдга олишдан иборат эмас. Бу кун она тилимизнинг бугунги нафаси, эртанги авлод ҳаётидаги ўрни ва дунё миқёсидаги келажаги ҳақида масъулият билан ўйлашга чорлайди. Тилни асраш уни фақат минбарларда улуғлаш билан чекланмайди. Зеро, тил болага қувонч, ўйин, китоб, суҳбат ва кашфиёт шаклида етиб боргандагина яшайди, бойийди ва янги авлоднинг табиий эҳтиёжига айланади.

Янги Ўзбекистон тараққиётида ўзбек тилининг мавқеини мустаҳкамлаш, авало, унинг таълим, илм-фан, замонавий технологиялар ва халқаро мулоқот тили сифатидаги имкониятларини кенгайтиришни англатади. Айниқса, ўзбек тилини она тили сифатида эмас, балки иккинчи ёки хорижий тил сифатида ўрганаётган болалар учун илмий асосланган, жозибадор ва ёшга мос материаллар яратиш бугуннинг долзарб вазифасидир. Чунки болаликда тил билан боғлиқ илк таассурот кейинги муносабатни белгилайди: бола тилдан чўчиши ҳам, уни севиб қолиши ҳам мумкин.

Уч ёшдан ўн ёшгача бўлган бола учун тил фақат қоидалар мажмуидан иборат эмас. У — суратдаги қаҳрамон, такрорланадиган қувноқ ибора, қўшиқ, ҳаракат, савол-жавоб, оила билан бажариладиган кичик вазифа ва ўйиндаги мулоқотдир. Шунинг учун ўзбек тилини болаларга ўргатишга мўлжалланган замонавий таълим маҳсулоти қисқа сюжет, кўргазмали таянч, такрорланувчи тил бирликлари, ўйин ва ҳаракат, миллий образ, оилавий иштирок ҳамда кузатиш мумкин бўлган натижани ўзида бирлаштириши лозим.

Масалан, бола китобни ўқиб бўлгач, бир неча сўзни шунчаки ёддан айтиб бериши эмас, балки саломлашиши, ўзини таништириши, ранг ёки буюмни сўраши, оддий саволга жавоб бериши, тенгдоши билан ўйинда ўзбекча иштирок этиши муҳим. Шунда тил дарслик саҳифасида қолиб кетмайди, балки кундалик ҳаракатга айланади. Таълим натижаси ҳам “мавзуни ўтди” деган қайддан эмас, “бола нимани тушунди ва мустақил бажара олди” деган аниқ мезондан келиб чиқади.

Бу ёндашув халқаро таълим таснифидаги ISCED 0 ва ISCED 1 босқичлари — мактабгача ҳамда бошланғич таълимнинг ўзига хослигини ҳисобга олади. Шу билан бирга, бу ҳолат тил даражаларини белгиловчи CEFR мезонларидаги Pre-A1 ва A1 босқичларини болаларнинг ёшига, ўзбек тилининг хусусиятларига ва маҳаллий маданий муҳитга мослаштиришни талаб қилади. Халқаро мезонни тайёр қолип сифатида кўчириш эмас, унинг мазмунини миллий таълим эҳтиёжларига илмий жиҳатдан мослаштириш зарур.

Кўп тилли муҳитдаги бола ўзбек тилини ўрганар экан, унинг уйда гаплашадиган тили ва маданий тажрибаси инкор этилмаслиги керак. Аксинча, боланинг она тилига ҳурмати ўзбек тилини ўрганишга тўсиқ эмас, балки хавфсиз кўприкдир. Ўзини қадрланган деб ҳис қилган бола янги тилда хато қилишдан қўрқмайди. Суҳбатга фаол киришади ва бошқа маданиятга қизиқиш билан қарайди.

Демак, болалар китобидаги миллий образлар ҳам безак эмас, балки мулоқот вазифасини бажариши лозим. Маҳалла, оила, меҳмондўстлик, табиат, миллий таомлар, ҳунармандчилик, байрамлар ва кундалик одоб билан боғлиқ сюжетлар хорижлик боланинг Ўзбекистонни тушунишига ёрдам беради. Аммо бундай образлар сунъий ва насиҳат оҳангида эмас, боланинг ёшига мос, табиий воқеалар ҳамда қизиқарли қаҳрамонлар орқали берилиши керак. Тилга меҳр кўпинча айнан қаҳрамонга меҳрдан бошланади.

Бугун болалар учун чиройли китоб чоп этишнинг ўзи етарли эмас. Унинг матни ёшга мосми, расмлар мазмунни тушунишга ёрдам берадими, такрорлар боланинг эслаб қолишини кучайтирадими, ўйин уни мустақил гапиришга ундайдими — буларнинг барчаси тажриба-синов орқали текширилиши зарур. Шундагина ижодкор муаллиф-тадқиқотчига, кейинчалик эса миллий ва халқаро миқёсда фикри тан олинадиган экспертга айланиши мумкин.

Бунинг учун аввал мавжуд китобларни илмий-методик аудитдан ўтказиш, кейин болалар учун содда “бажара олади” микромезонларини ишлаб чиқиш, кичик гуруҳларда синовлар ташкил этиш ва натижага қараб материални қайта ишлаш керак. Кузатувлар, болалар нутқининг аудио ёки видео намуналари, педагог кундалиги, ота-оналар фикри, шунингдек, тажрибадан олдинги ва кейинги топшириқлар биргаликда таҳлил қилинса, китобнинг ҳақиқий таъсири яққол кўринади.

Айни жараёнда академик ҳалоллик ҳам муҳим. Ҳар қандай ижобий натижани бўрттирмаслик, муваффақиятсиз уринишлардан ҳам хулоса чиқариш, бола ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини сақлаш, тасвир ва овоз ёзувлари учун ота-она розилигини олиш шарт. Бола манфаатини биринчи ўринга қўйган илмий ёндашувгина жамият ишончини қозонади.

Бугунги бола фақат босма саҳифа билан чекланмайди. Китобга бириктирилган аудио, QR ресурслар, содда анимациялар ва интерактив ўйинлар талаффузни эшитиш, ҳикояни такрор кўриш ва оила билан бирга машқ қилиш имконини беради. Бироқ технология китобнинг мазмунини сиқиб чиқармаслиги керак. Унинг вазифаси болани экранга боғлаш эмас, ўзбекча тинглаш, гапириш ва реал мулоқотга олиб чиқишдир.

Инклюзивлик ҳам шундай тизимнинг ажралмас мезони бўлиши лозим. Турли таълим эҳтиёжларига эга болалар учун шрифт, ранг, тасвир, топшириқ ҳажми, аудио тезлиги ва ҳаракат тури мослаштирилса, тил ўрганиш имконияти янада кенгаяди. Мамлакатимизнинг таълим сиёсати ҳар бир болани кўриши ва эшитиши керак; болалар адабиёти эса бу тамойилни кундалик амалиётга олиб кирадиган энг самимий воситалардан.

Боланинг тилга қизиқиши фақат муаллиф ёки ўқитувчигагина боғлиқ эмас. Кунига ўн дақиқали оилавий машғулот — биргаликда расм кўриш, қаҳрамонлар ролини ижро этиш, янги иборани кундалик вазиятда қўллаш — ўрганилган билимни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шу сабабли ҳар бир болалар китоби билан бирга ота-она ва педагог учун қисқа, равшан кўрсатмалар ҳам берилиши мақсадга мувофиқ.

Сифатли маҳсулот тайёрлаш учун эса муаллиф ёлғиз қолмаслиги лозим. Илмий раҳбар, мактабгача ва бошланғич таълим мутахассиси, CEFR бўйича эксперт, психолог, рассом, муҳаррир, рақамли дизайнер, таълим ташкилоти, нашриёт ва ҳомий бир мақсад атрофида ҳамкорлик қилиши зарур. Ана шунда алоҳида китоблар тизимли серияга, серия эса ўзбек тилини ўргатишнинг далилларга асосланган миллий моделига айланиши мумкин.

Олдимизда аниқ истиқбол бор: дастлаб яратилган китобларни аудитдан ўтказиш ва қайта ишлаш; болалар учун Pre-A1 ва A1 микромезонларини яратиш; расмли сюжет ва такрорнинг таъсирини ўрганиш; ўйинлар типологиясини шакллантириш; “Оила билан ўзбекча” модулини ишлаб чиқиш; аудио ва рақамли ресурсларни синаш; инклюзив дизайн стандартларини жорий этиш; миллий образлар банкини яратиш. Узоқ муддатда эса ўнлаб китоблар, синовдан ўтган олтмишдан зиёд ўйин, методик қўлланмалар ва очиқ илмий портфелни бирлаштирган яхлит тизим вужудга келиши мумкин.

Бу иш фақат тилшунослик ёки нашриёт ташаббусигина эмас. У мактабгача ва бошланғич таълим, маданият, илм-фан, рақамли технологиялар ва халқ дипломатиясини ўзаро боғлайди. Ўзбек тилини ўрганаётган хорижлик бола китоб орқали нафақат сўзларни, балки халқимизнинг муомала маданияти ва дунёқарашини ҳам кашф этади. Ҳар бир сифатли болалар китоби шу маънода мамлакатимизнинг кичик, аммо таъсирчан маданий элчисидир.

Ўзбек тили куни арафасида ўзимизга битта муҳим савол беришимиз керак: биз тилимизни болаларга қандай ҳолатда топширияпмиз? Фақат қоидалар ва талаблар кўринишидами ёки меҳр, ижод, ўйин ва замонавий имкониятлар билан бойитилган тирик мулоқот сифатидами? Тилнинг эртанги мавқеи бугун бола қўлига тутқазилган китобнинг сифати билан ҳам белгиланади.

Болалар учун яратилган ҳар бир илмий асосланган китоб миллат тилининг келажак авлодга элтувчи тирик кўпригидир. Бу кўприк қанчалик мустаҳкам бўлса, жаҳон майдонидаги қадами ҳам шунчалик дадил бўлади.







Феруза МУҲИТДИНОВА,
“Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси, юридик фанлар доктори

МАЪРИФАТ КАРВОНИ КУЧИ

Маънавият юракдан чиққан тарғибот билан юксалади

Маънавият ва маърифат ҳақида кўп гапирамиз, аммо гапнинг кўплиги таъсир кучи юқорилигини англатмайди. Минбардан ўқилган қуруқ маърузани тингловчи эшитгани билан қалбига етиб бормаслиги мумкин. Маърифат инсонни ўзгартириши учун уни етказаётган шахснинг ўзи айтаётганига чин дилдан ишониши лозим. Ватанпарварлик, фидойилик ва ҳалоллик тарғиботчининг энг асосий фазилатлари ҳамда қуроли. Зеро, бой тарихимиз бунга ёрқин гувоҳлик беради.

Заминимизда яратилган энг қадимги ёзма ёдгорлик — “Авесто”да инсон камолотининг уч асоси кўрсатилган: эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал. Бу учлик тарғиботнинг ҳам бош мезони бўла олади. Фикр эзгу бўлмаса — сўз ёлғонга айланади, сўз амал билан тасдиқланмаса — ишонч йўқолади. “Авесто”да сув, ер, олов каби табиат неъматларини асраш, ҳалол меҳнат қилиш муқаддас бурч сифатида тарғиб этилган. Бу ғоялар минг йиллар давомида халқимиз турмуш тарзига чуқур сингиб кетди. Демак, ота-боболаримиз тарғиботни қуруқ насиҳат эмас, балки ҳаёт тарзи деб билган.

Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шаҳри” асарида бахтли жамиятни илмли ва фазилатли раҳбар бошқаришини таъкидлаган. Унинг фикрича, раҳбар халқни фақат сўз эмас, аввало, ўз шахсий намунаси билан эзгуликка етаклайди. Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино эса илм-фанни халқ манфаатига хизмат қилдириш ғоясини қатъий илгари сурган.

Амир Темур давлатни “Куч — адолатда” тамойили асосида бошқарди. Алишер Навоий эса бутун ижоди ва бойлигини маърифатга, хайр-саховат ишларига бағишлади.

Улар маърифатни ўз ҳаёти мисолида тарғиб этди, шу боис, уларнинг ҳикматли сўзлари асрлар оша ўз қадри ва кучини йўқотмади. Тарихимизнинг муҳим бир бурилиш палласида жадид боболаримиз жамият учун маърифат орқали мустақилликка эришиш йўлини танлади. XX аср бошида улар маърифат карвонини янги босқичга олиб чиқди. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Мунаввархўри, Абдулла Қодирий ва бошқа фидойилар янги усулдаги мактаблар очди, газеталар чиқарди, миллий театрни ташкил этди. Уларни на мансаб, на бойлик қизиқтирган — ягона мақсади халқнинг онгини уйғотиш эди. Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир”, деган ҳикмати бугунги кунда ҳам ниҳоятда долзарб. Жадидлар бу муқаддас йўлда ҳатто ўз ҳаётини ҳам аямади. Фидойилик ҳақида сўз кетганда, биз, аввало, уларнинг ибратли ҳаётини кўрамиз.

Бугунги ислоҳотлар ҳар бир хонадонга кириб борди. Ҳар бир оиладан талаба ёшлар етишиб чиқмоқда, Президент, Темурбеклар мактабларида, ихтисослаштирилган ижод ва кўплаб таълим масканларида минг-минглаб навқирон авлод билим олмоқда. Оддий оилалар фарзандлари ҳам хорижий олий таълим муассасаларида ўқимоқда. Ҳар бир инсон давлат эътиборида эканини, унинг муаммоларини ҳал этиш йўлида бутун жамият сафарбар бўлаётганини маҳаллалар ҳаётида кўриб турибмиз. Туманларда халқ вакиллари фаолият юритмоқда. Камбағалликни қисқартириш қоғозда эмас, амалда ўз ифодасини топмоқда — бунинг учун инсонда ҳалол меҳнат қилиш истаги бўлса кифоя. Буларнинг барчаси Учинчи Ренессанс пойдевори эмасми?

Бу янги Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишлар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганининг амалий ифодаси. Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси илгари сурилди. Маҳалла тизими, ёшлар сиёсати, китобхонлик ҳаракати ҳамда жадидлар меросини ўрганиш бўйича улкан ишлар бошланди. Ҳатто китобхон болажонларимизга давлат томонидан автомобиль совға қилинаётгани бунга ёрқин далил. Янги таҳрирдаги Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти ва қадр-қиммати олий қадрият сифатида мустаҳкамланди. Демак, маърифат карвонининг бугунги асосий манзили ҳам айнан инсон қадридир.

Аммо бир ҳақиқатни тан олишимиз керак: ислоҳотлар инсон қадри учун қанчалик тўғри амалга оширилаётган бўлмасин, халқимиздаги шукроналик кайфияти, бу ўзгаришларни чуқур англаш ҳамда уларни кейинги авлодга тўғри етказиш масъулияти ва маърифати шунчалик муҳим аҳамиятга эга. Агар ислоҳот инсон учун бўлсаю, инсон уни қадрламаса, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Шукроналик орқали бугунги кунга қадар етиб келди. Бу шарафли карвонни келажак авлодларга олиб бориш энди барчамизнинг зиммамиздаги бурч. Агар ҳар бир фуқарони тарғиботчи деб билсак, оиладан бошланган бу ҳаракат бутун жамият бўйлаб тинчлик, осойишталик, бахт ва маърифат карвонига айланади.

Амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот, қабул қилинаётган қарор ва фармонлар марказида битта эзгу мақсад турибди — инсон қадри. “Инсон қадри учун” деган ғоя шу боис давлатимиз сиёсатининг бош тамойилига айланди. Янги мактаб ва боғчалар қурилмоқда, маҳаллаларга тоза ичимлик сув ва равон йўллар етиб бормоқда, ёшлар ҳамда аёлларга кенг имкониятлар яратилмоқда, ногиронлиги бор инсонлар ишончли ижтимоий ҳимояга олинмоқда.

Шу боис, мазкур ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини халққа етказиш фақатгина тарғиботчилар, журналистлар ёки



туйғуси ва унга жавобан фидойилик ҳар бир юртдошимиз қалбига етиб бориши, халқ ҳам шу карвон билан ҳамнафас бўлиши юксак самара беради. Бу тушунчаларни одамлар онгига етказадиган ҳам аслида ўзимиз: оилада ота-она, бувию буваҳонлар, боғчада тарбиячиларимиз, мактабда устоз ва мураббийлар, маҳаллада “еттилик” ва меҳнат жамоалари... Шу тариқа барчамиз елкадош бўлиб, янги юксалиш сари қадам ташласак, янги Ўзбекистоннинг янги марраси ана шу бўлади.

Бугун юртимизда олий таълим муассасалари сони 200 дан ошган, техникумларда замонавий касб-ҳунарга йўналтирилган таълим йўлга қўйилган, хотин-қизларимизнинг илм олиши учун кенг имкониятлар очилган бўлса, инклюзив таълим йўлидаги тўсиқлар олиб ташланиб, нуронийларимиз юксак ҳурмат ва эҳтиром қуршовида бўлса, шулар бу юртда инсон қадри эъзозланаётгани ифодаси эмасми?!

Карвон ёлғиз туя билан узоққа бора олмайди; у сафдошлар, йўлбошчи ва аниқ белгиланган манзил билангина кучли. Маърифат карвони ҳам шундай: унинг қудрати ягона эзгу мақсад йўлида бирлашган фидойи инсонлар бирлигида.

“Авесто”дан бошланган эзгулик йўли Форобий ва Навоий, жадид боболаримиз мутасаддиларнинг вазифаси эмас. Инсон қадри улуғланаётган юртнинг ҳар бир фуқароси ўз ўрнида маърифат тарғиботчиси бўлиши керак.

Ота-она ўз уйида фарзандига Ватан тушунчасини, мустақиллик қанчалик бебаҳо неъмат эканини тушунтирса, бу тарғибот. Оилада катталарга ҳурмат, ҳалол меҳнат ва китобга муҳаббат қарор топса, бу ҳам тарғибот. Ўқитувчи синфхонада дарс бергани, шифокор беморнинг дардига малҳам бўлгани, ишчи меҳнат жамоасида ўз вазифасини виждонан бажаргани ҳам тарғиботнинг энг кучли шакли. Маҳаллада қўшнисига кўмак қўлини чўзган, ёшларга тўғри йўл кўрсатган ҳар бир инсон аслида маърифат карвонининг муносиб сафдошидир.

Энг таъсирли тарғибот минбарлардан эмас, балки хонадондан, оиладан ва жамоадан бошланади. Сўз билан амал бирлашган жойдагина мустаҳкам ишонч уйғонади. Ишонч мавжуд бўлган жойда эса ислоҳотларнинг амалий самараси ҳар бир хонадонга етиб боради.

Маърифат карвонининг асл кучи ҳам шунда: у бир неча кишининг эмас, бутун халқнинг карвонидир. Ҳар биримиз мазкур карвонда ўз ўрнимизни топсак, Учинчи Ренессанс орзу эмас, бугунги ҳаётимизнинг ҳақиқатига айланади.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Бекқул Эгамқулов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
ЎзА якуни — 00:28 Топширилди — 01:20